

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 104 (10.409)

2005 ЙИЛ 31 МАЙ

**ПОЙТАХТНИНГ**  
*Сиз кунни*  
Янгиликлар, воқеалар

## ҚУСҚА

● **БУГУН** Халқлар дўстлиги саройида «Сен ёлғиз эмассан» жамгармаси ташаббуси билан 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирокида «Сен ёлғиз эмассан» шиори остида хайрия тadbири ва концерт бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари иштирокида ўтказилган тadbир ҳамда асфальтга расм чизиш кўргазмаси «Маҳалла» жамгармасининг Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан уюштирилди.

● **СОБИР** Раҳимов туман ҳокимлиги ташаббуси билан **ЎТГАН** кундан бошланган «Энг яхши китобхон» кўриктанлови бир hafta давом этади.

● **КЕЧА** «Кўйлик дехқон бозори» очик акциядорлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман бўлими томонидан ташкил этилган тadbир Сихат-саломатлик йилига бағишланди.

● **ЗОБИТ** кўшма корхонасида ҳамда 118-мактабда «Огоҳликка даъват» мавзuida тadbирлар уюштирилиб унда Андижонда содир этилган террористик ҳаракатлар қораланди.

● **ТОШКИШЛОҚМАШ** очик акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган тadbирда терроризм ва диний экстремизмининг салбий оқибатлари борасида сўз борди.

● **ЗАМОНАВИЙ** санъат марказида Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Бадиий академия ҳамкорликларидан ташкил этилган ўзбекистонлик иқтидорли rassомлар томонидан яратилган «Тасвирларда Италия таассуроти» мавзuidaги бадиий кўргазма 6 июнгача давом этади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва  
ўз мухбирларимиз  
хабарларидан.

Бир hafta давомида Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида ёшлик, шижоат, жўшқинлик ва бирдамлик рамзи бўлмиш «Баркамол авлод-2005» спорт ўйинларининг бетакрор руҳи хукм сурди. Албатта ҳар бир ёшнинг ҳаётида катта воқеа ҳисобланувчи, муҳими галаба қозониш эмас, қатнашиш бўлган қизиқарли ва шиддатли спорт мусобақалари бутун республикамиз аҳлининг нигоҳида бўлди.



## «Баркамол авлод-2005»

# ЁШЛИК ВА ЖЎШҚИНЛИК БАЙРАМИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

## СПОРТ ЎЙИНЛАРИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЖАМОАСИГА ФАҲРЛИ 2-ЎРИН НАСИБ ЭТДИ

Юртбошимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда татбиқ этилган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақаларидан иборат жаҳонда ўршаши йўқ уч босқичли узлуксиз тизимни бежизга «кичик олимпиада»га қиёсламайдилар. Зеро, мазмун-моҳияти жиҳатидан мамлакатимизда соғлом авлодни камол топтириш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, ёшларни ҳар томонлама чиниктириш, тоблаш, уларда дўстлик, ҳамжихатлик ва бирдамлик туйғуларини шакллантиришдек хайрли мақсадларни кўзлаб ташкил этилаётган ушбу мусобақаларда галаба нашидасини туйган, жамоадошлари ва дўстлари кадрини билган ёшлардан келгусида мард ва ватанпарвар ўғлонлар, Барчиной қизлар, қолаверса жаҳон ва Олимпиада ўйинларининг қатнашчилари етишиб чиқиши мумкинлиги ҳам аён ҳақиқатку. Ҳақиқий ёшлик ва спорт байрамига айланган «Баркамол авлод» ўйинлари юртимизда ақли расо, зукко, мард, кучли ва матонатли авлод вояга етаётганлигини яна бир қарра исботлади.

Мусобақаларни кўламини жиҳатидан ҳам бемаъл кичик олимпиадага қиёслашимиз мумкин. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Республикаимизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридан дастлабки босқичларда сараланган, кучли ва моҳир, қалбида галаба иштиёқи жўш урган икки миңдан ортиқ ёш спортчи 420 дан зиёд медаллар учун ўзаро баҳс юритди.

«Баркамол авлод-2005» спорт ўйинларида бевосита шахримиз терма жамоасининг иштироки хусусида тўхталадиган бўлсак, бундан 2 йил аввал ўтказилган ўйинларда эгаланган олтинчи ўриннинг аччиқ сабоқларидан тўғри хулоса чиқарган мутасаддилар ва ёш спортчиларимиз мусобақага ниҳоятда жиддий тайёргарлик кўришди. Айниқса, волейбол бўйича ўсмирлар жамоаси мураббийси Олим Абдужабборов, баскетболдан ўсмирлар устози Юрий Салмов, футболдан иқтидорли мураббий Баҳодир Каримов, сузишдан Равшан Каримов, кураш бўйича устоз Мурод Дўсимбетов каби иқтидорли устоз-мураббийларнинг заргарона маҳоратлари, ўринли ўғитларию машқ майдонларидаги заҳматкашликлари ўз самарасини бермай қолмади. Устозлар, мураббийларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 181 кишилик шахримиз жамоаси (спортчиларнинг сони 150дан ортиқ) жами 85 та тилла, 26 та кумуш ҳамда 21 та бронза нишонларини қўлга киритган ҳолда умумжамоа ҳисобида 178,5 очко жамгарганлари ҳолда иккинчи ўринни эгаллади.

### Давоми 8-бетда.



# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг Хоразм депутатидаги ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари иштирок этди.

Мазкур кўмита раиси И.Кочмарик бошқарган йиғилишида ушбу кодекс ижросини таъминлаш борасида вилоятда муайян ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятидан далолат берувчи тарихий ва меъморий ёдгорликлар-

ни авайлаб-асраш ва муҳофаза қилиш шаҳарсозлик соҳасидаги муҳим вазифалардан эканлигига эътибор қаратилди.

Айни вақтда воҳода қурилиш қондаларини бузиш ҳолларини аниқлаш бўйича доимий комиссия фаолият кўрсатаётир. Баъзи туманларда «Бош архи-

тектура» бошқармаси ва «Давархитектурилишназорати» инспекцияси ходимлари биргалиқда мунтазам равишда ўтказётган текширишлар натижа-сида аниқланган ноқонуний қурилишларни тўхтатиш юза-синдан зарур чора-тadbирлар қўрилатир.

Вилоят ҳудудларини режалаштириш лойиҳалари ва улар асосида ишлаб чиқилган аҳоли пунктларининг истиқболли бош режалари нисбатан эскирган. Улар ҳозирги давр талаб ва шароитларини ҳисобга олган ҳолда қайта ишланиши зарур. Мониторинг ишларини юри-тишда ҳам камчиликларга йўл қўйилган. Бу, хусусан, яқна тартибда уй-жой қурилишида бош режа интизомининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**  
ЎЗА мухбири

**XVI сағоси**  
ХСР Барча мамлакатлардан олинган сўғит хабарлар

## Мамлакатимизда

● Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малякасини ошириш марказий институтида ўқитувчилар республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон-Германия дўстлик жамияти ва «Тadbиркор аёл» Республика ишбилармон аёллар уюшмаси таклифига биноан мамлакатимиз бўйлаб сафар қилаётган германиялик бир гуруҳ ишбилармонлар Жиззах вилоятида бўлиб, хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласи қандай ҳал этилаётгани билан танишдилар.

● Мамлакатимиз кимё саноатида етакчи ўрин тутадиган «Навийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси шу йилнинг ўтган даврида қишлоқ хўжалик корхоналарига 350 миң тоннадан ортиқ селитра етказиб берди.

● Тошкентдаги «Умид» болалар спорт мажмуида 1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунни муносабати билан шаҳарда фаолият кўрсатаётган Меҳрибонлик, муруват уйлари ҳамда махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди.

## Жаҳонда

● Франциянинг Брунуа шаҳрида Ўзбекистон амалий санъати кўргазмаси очилди.

● Догистоннинг Бўйнок районидан террорчилар ва хукукни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари ўртасида отишма бўлиб ўтди. Бунда бир қатор объектларни портлатиш ҳаракатида бўлган террорчилар гуруҳи муҳриш қилмишининг олди олинди.

● Хитой Тайпейда англик атлетика бўйича Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнирда дуненинг ўн етти мамлакатидан келган спортчилар галиблик учун куч синашди. Нуфузли халқаро мусобақада юртимиз шарғфини ҳимоя қилган энгил атлетикачиларимиз тўртта олтин медални қўлга киритди.

● Ўта оғир вазни ўзбек профессионал боксчиси Темир Иброҳимов навбатдаги жангини жорий йилнинг 24 июни кунни ўтказадиган бўлди. АКШнинг Лас-Вегас шаҳрида ташкил этиладиган профессионал бокс турнири доирасидаги беллашувда ҳамюртимиз WBC Fecarbox чемпионлик камарини ҳимоя қилади.

**Иқтисоқий****ПОЛИПРОПИЛЕН  
КОПЛАР**

«HOLOS» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган полипропилен копларга айни кунларда харидорлар сафи ортиб бормоқда.

Корхона тадбиркорлари бозорни ўрганиш асосида иш юритиб, банкдан олинган 409 минг евро микдоридagi кредит эвазига Хитой давлатидан сифатли полипропилен қоп тайёрлашда қўл келадиган хорижий линия келтиришди. Натижада 50 нафар иш ўринлари ҳам яратилди.

— Ҳозирги кунда буюртмаларимиз қўпчилиги боис ҳам тўла қувват билан ишляпмиз, — дейди корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича директори Даврон Юсупов. — Маҳсулотларимиз эса кетма-кет буюртмачиларга етказиб берилмоқда, уларни ўз вақтида бажариш учун имкониятлар ишга солинмоқда. Шунинг баробарида янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш режаси устида ҳам иш олиб бораётиб.

Келгусида корхонада бир маротаба ишлатиладиган идишлар ишлаб чиқарадиган цех ташкил этиш режаланган. Бунинг учун эса, албатта янги дастгоҳлар ўрнатилади ва уларни бошқариш учун кўшимча ишчи кучи жалб этилади.

**ЧИРОЙЛИ ВА  
КУЛАЙ**

Уларимиз, кириш йўлакларимиз кўркамлигини таъминлашда турли усулда тайёрланган металл дарвоза, эшик ва панжаларнинг ўзига хос ўрни бор.

Ҳозирда тадбиркорларимизнинг изланишлари боис ана шундай маҳсулотларнинг нафақат чиройли, бежирим бўлишига, балки кулай ва автоматик тарзда ишлатилиши таъминлашга ҳам эришилмоқда. «Даймонд Осие» масъулияти чекланган жамиятида ҳам фақатгина сифатга эмас, балки маҳсулотнинг кўринишига, харидорнинг турларини оширишга эътибор қаратилмоқдаки, бу уларнинг ички бозорда муносиб ўрин эгаллашларига хисса қўшмоқда.

Ушбу корхонада Бекобод металлургия заводидан келтирилган маҳаллий хом ашёдан эшик ва дарвозалар ҳамда улар учун автоматик ускуналар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, ўтган йилдан бошлаб 1000 квадрат метр ишлаб чиқарилган майдонига эга бўлган корхона ахли маҳсулот турлари ва уни тайёрлаш хажмини оширишга муваффақ бўлди. Эндиликда корхонада металлдан мебель маҳсулотлари, ошхона стол ва стуллари, илгич ва турли гулдонлар, тўсиқлар ҳам тайёрланмоқда. Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида корхонада ўз маҳсулотлари учун кўрғазмалар салони очилмоқда. Бу ерда буюртмачиларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам ўрганилади.

Рустам ОРИФХУЖАЕВ

**ХОРИЖИЙ МУТАХАССИСЛАР  
ЭКСТРЕМИСТЛАР ҲАРАКАТЛАРИНИ  
ҚАТТИҚ ҚОРАЛАМОҚДАЛАР**

Тошкент ислом университетида Марказий Осие минтақасида диний экстремизм ва терроризм таҳдиди муаммоларини ўрганишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Буюк Британия, АҚШ, Португалия, Туркия, Украина, Швеция, Франция ва Марказий Осие давлатларидан келган ҳамда маҳаллий мутахассислар иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари Лондон университети профессори Ширин Акинер хонимнинг Андижон воқеаларининг сабаб ва оқибатларини ўрганиш мақсадида 24-26 май кунлари ушбу вилоятга қилган сафари ҳақидаги ахборотини тинглади.

Ш.Акинер ўз хулосалари мазкур воқеалар шохиди бўлган бир қанча гувоҳлар - маҳаллий аҳоли, давлат ва жамоат идоралари вакиллари ҳамда ўз ихтиёрига кўра жазони ўташ жойига қайтиб келган маҳкумлар билан ўтказилган суҳбатларга асосланганини таъкидлади. Буюк Британиялик олима ушбу сафардан сўнг унда Андижон воқеалари ҳақида ҳолис тушунча пайдо бўлганини қайд этиб, ҳукумат идораларининг вазиятни барқарорлаштириш бўйича амалга оширган зарур чораларига ижобий баҳо берди.

Эксперт фикрига кўра, бир гуруҳ қуролланган шахсларнинг Андижондаги ҳунрезликлари пухта ўйланган, баъзи ташки кучлар томонидан қўллаб-қувватланган кўпорувчилик эканини ҳарбий қисмлар ва давлат муассасаларига қуролли ҳужум уюштирилгани ҳам тасдиқлайди.

Бунда баъзи хорижий оммавий ахборот воситаларининг воқеаларни "киргиз сценарийси"га ўхшаш ҳолда тақдим этишга интилаётгани ҳам кузатишмоқда. Жумладан, Россия НТВ телеканалининг гўеки Пахтаобод туманида "намойишлар" ўтказилгани ҳақидаги хабарлари ҳақиқатдан йироқ экани ва у ерда ҳеч қандай чиқишлар бўлмаганини маҳаллий аҳоли, жумладан, Андижон вилоят қасалхонаси бош врачининг сўзлари ҳам тасдиқлайди.

Баъзи оммавий ахборот воситаларининг содир бўлган воқеаларнинг иқтисодий ва диний сабаблари ҳақидаги иддаолари ҳам хомхаёлдан бошқа нарса эмас. Зеро, Ш.Акинер хонимнинг таъкидлашича, жангариларнинг хатти-ҳаракатлари маҳаллий аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмади. Чунки Андижон вилоятида бу каби жараёнларни келтириб чиқариши мумкин бўлган сабаб ва шароит мавжуд эмас. Маҳкумларнинг асосий қисми ўз ихтиёри билан қамқоҳонага қайтиб келгани бу кучларнинг гаразли мақсадлари ҳатто жазо муддатини ўтаётган шахслар томонидан ҳам инкор этилганини исботлайди.

Шунингдек, баъзи хорижий матбуот ва "хуқуқпарвар" ташкилотларнинг 13 май куни ҳалок бўлганлар сони ҳақидаги уйдирмалари ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунончи, чет эллик олима вилоятдаги 20 та қабристон ҳамда тиббий муассасаларда бўлиб, қурбонларнинг ҳақиқий сони 170 га яқин экани ҳақида аниқ хулосага келган.

Давра суҳбатида "қочоқлар" масаласига ҳам эътибор қаратилди. Уларнинг орасида турли тоифадаги шахслар, жумладан, қуролли кўпорувчилик ҳаракатларининг бевосита иштирокчилари ҳам мавжудлиги эътироф этилди.

Тадбирда барча саволларга аниқ рақам ва далиллар асосида жавоб қайтарилди. Хорижий мутахассислар ўз чиқишларида республикамизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, амалга оширилаётган ислохотларга ижобий муносабат билдириб, ҳукумат томонидан диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Воқеликни атайлаб бузиб кўрсатишга интилаётган баъзи оммавий ахборот воситаларини қаттиқ қоралаб, ушбу "ахборот уруши"да Ўзбекистон мавқеини ҳолис ҳимоя қилаётган Ш.Акинер хулосаларига тўла қўшилишларини таъкидладилар.

ЎЗА

Лизинг-ижара муносабатларининг асосий тури бўлиб, биринчи томон, яъни лизинг берувчи лизинг олувчининг топширигига ва лизинг шартномасига асосан, учинчи томондан лизинг объектига эғалик қилиш учун мулкни сотиб олади ва лизинг берувчи шартномага кўра, тўлов асосида мулкни фойдаланиш учун ўн икки ойдан кам бўлмаган муддатга беради.

**ЛИЗИНГ  
МУНОСАБАТЛАРИНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИ**

Лизинг ўзининг моҳиятига кўра кредит муносабатларига асосланган. Лизинг муносабатлари уч томонлама, яъни лизинг берувчи, сотувчи ва лизинг олувчи ёки икки томонлама, лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида бўлиши мумкин. Икки томонлама лизинг шартномаси тузилганда сотувчи билан лизинг объектининг кўшимча олди-сотди шартномаси тузилади.

Иқтисодиётнинг ривожланиб бориши, тадбиркорларга давлат томонидан берилаётган имтиёзлар, шунингдек, "Лизинг тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши лизинг компанияларининг ташкил этилишига ва улар ўртасида рақобатнинг пайдо бўлишига олиб келди. Республикада лизинг амалиётлари иқтисодиётнинг барча тармоқларига кириб бориб, унга бўлган талаб ҳам кўпайди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда "Ўзқишлоқхўжаликмашилизинг" акциядорлик компанияси, "Барак" универсал лизинг компанияси, "Ўзбекилизингинтернэшнл АО" қўшма корхонаси ва "ЎзКЕЙСагролизинг" каби лизинг компаниялари фаолият кўрсатиб, улар асосан қишлоқ хўжалиги, саноат ва ишлаб чиқариш

соҳаларига кириб бормоқда. Масалан, "Ўзқишлоқмашилизинг" акциядорлик лизинг компанияси қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга беришга ихтисослашган бўлиб, у ўрта ва узоқ муддатларга лизинг беради. Шунингдек, мамлакатимизда тижорат банклари томонидан лизинг муносабатлари кенг жорий этилди. Бунда, банк секторида ҳам лизинг муносабатлари юзасидан аниқ амалий ишлар татбиқ қилинди.

Республикамиздаги "Пахтабанк", "Фаллабанк", Миллий банк, "Асака банк", "Тадбиркорбанк", "Турон банк" ва бошқа банклар шулар жумласидандир. Лизинг муносабатларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида, 2002 йилнинг 28 августида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Лизинг фаолияти ривожланишини келгусида рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Бу Фармон бўйича Солиқ кодекси ва солиқ ҳақидаги Қонунга ўзгартиришлар киритилиб, лизинг берувчи, сотувчи ва лизинг олувчилар учун қатор имтиёзлар яратилди.

Дилноза  
БОЙМУРОДОВА

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида****ЁШ АВЛОД  
ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ**

Кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Болаларни ҳимоя қилиш» ҳафталигини ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари мазкур байрам тадбирига тайёргарликнинг бориши хусусида батафсил маълумот берди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни байрам сифатида мамлакатимизда кенг нишонланади. Болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб маҳаллалар, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактабларида тадбирлар уюштириш, иншоолар, расмлар кўрик-танловлари, шунингдек, спорт мусобақалари, фестивал ва хайрия концертларини ўтказиш аънамага айланган. Бу йил ҳам мазкур байрам муносабати билан шаҳримизда «Болаларни ҳимоя қилиш» ҳафталиги ўтказилмоқда. Мазкур ҳафталик доирасида Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Халқ таълими бош бошқармаси, «Маҳалла» жамғармаси ва «Қамолот» ЁИХ нинг шаҳар бўлимлари, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, ташман ҳокимликлари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ташаббуси билан умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари ва барча Меҳрибонлик уйларида байрам тадбирлари, концертлар, театрлаштирилган томошалар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Шунингдек «Туркистон» саройининг ёзги биносида «Хар бир фарзанда меҳр-эътибор» шиори остида кам таъминланган оилалар фарзандлари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун хайрия концертлари бўлиб ўтади. Шу каби тадбирларнинг шаҳримиздаги барча маданият ва истироҳат боғларида ўтказилиши режалаштирилган. Маҳаллаларда ногирон, ота- она қарамоғисиз қолган ўғил-қизлар, кам таъминланган, қўп болали оилалар фарзандлари учун хайрия тадбирлари ташкил этилади.

Бир сўз билан айтганда, ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол шахс сифатида вояга етиши учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Миллатимиз умиди ва келажаги бўлган ёшларга ҳар томонлама гамхўрлик кўрсатиш давлатимизнинг устувор вазифасига айланган. Зеро мустақил Ўзбекистонимиз келажаги мана шу ўсиб келаётган ёш авлод қўлидадир.

Барно ШЕРБӨЕВА

Давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёшларни ҳам жисмонан, ҳам руҳан баркамол қилиб voyга етказиш, спортни омма-лаштириш, болалар спортини ривожлантиришга энг муҳим масалалардан бири сифатида эътибор қаратиб келимоқда. Хусусан жорий йилнинг Сихат-саломатлик йили деб эълон қилиниши ҳам бу борада амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтирди, ижтимоий ҳаётимизда янги ўзгаришлар, хайрли ишларнинг бошланишига сабаб бўлди. Жорий йилнинг январь ойидан бошлаб Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон телерадиокомпанияси Сихат-саломатлик йили муносабати билан «Тўрт карра йўқ!» танловини эълон қилган эди. Хар ойнинг охириг яқин-басида «Тошкент» телеканали ташаббуси билан ўтказилиб келинаётган «4 карра йўқ!» телемарафонидо ҳам айнан энг долзарб масалалар кўтарилиб, балоғат остонасида турган ёхуд билиб-билмай ноҳўя йўлларга қадам босаётган ёшларни соғлом турмуш тарзига қайтариш каби эзгу мақсадлар кўзланган. «4 карра йўқ!» телемарафон дастури доирасида кўтарилган мавзулар кўламига назар солсак, синчиқлаб ўрганиб чиқсак, бутун жаҳон ахлини ташвишга солаётган аср вабоси, саломатлик кушандаси, умр заволи бўлган ОИТС, ичкиликбозлик, гиёвандлик ва чекишга қарши каттау кичик бйрилашиб курашиш лозимлигига қақириб бонг урилаётганини илғаб оласиз. «Тошкент» телеканали ижодкорлари, жонқур журналистлар куни кеча навбатдаги телемарафонини ўтказдилар. Хар галгидек унда кўтарилган мавзулар ҳеч кимни бифарқ қолдирмади деб ўйлаймиз. Бугун биз телеканал ижодкорларининг бир муҳлиси сифатида телемарафон ҳақидаги фикрларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз.

Баркамол, соғлом авлодни камол топтириш йўлида давлат миқёсида катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан ёшларнинг саломатлиги муҳофазасига қаратилган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақалари мактаб ўқувчисидан тортиб коллеж ва олий ўқув юрти талабаларининг аксарият қисмини ўзининг бағрига тортиб олди десак хато қилмаймиз. Бугун республикамиз бўйлаб кенг қулоч ёзган ушбу спорт мусобақаларининг навбатдагиси, хар икки йилда ўрта махус касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида ўтказилиб келинаётган «Баркамол авлод», ёшлик, навқиронлик, шижоат мусобақалари кечагина Чирчиқ шаҳрида яқунланди. Телемарафон ўз кўрсатувларини «Баркамол авлод» спорт мусобақалари хабарлари билан бошлаб, ушбу мусобақаниннг йил сайин ёшлар ўртасида нуфузи ортиб, тобора оммалашиб бораётгани ҳақида тўхталиб, бўлиб ўтган қизгин мусобақалардан қатор лавҳаларни эфирга узатди.

Бугун барча мактабларда сўнгги кўнғирок жаранглади. Ёшлар балоғат ёшида мустақил ҳаёт остонасида турибдилар. Уларни жиддий имтиҳонлар чорламоқда. Ёшларни илм-маърифатга қизиқтириш, ҳаётда адашмаслигига ҳисса қўиши хар биримизнинг бурчимиздир. Телемарафон ижодкорларининг хайрли ташаббуслари бугун Республикамининг шаҳар ва вилоятларида ўз акс-садосини бергани, «4 карра йўқ!» акцияси соғлом фикрни кенг жамоатчилик эътиборини талдо жаб этгани, бу борада қатор учрашув ва тадбирлар ўтказилиб келинаётганини кўриш эса ниҳоятда кўнглили.

«Ҳаёт илмини тугал англамоқ учун нанкин биргина инсон умри, балки бир неча инсонлар умри ҳам камлик қилади» деган донолар ўғитини ёдга солган бошловчи мисоллар орқали сизни мушоҳада қилишга чорлайди. Кўнглида эзгу ният бўлган киши йўлда кетаётган бир чўқурга тушиб кетса, уша чўқурдан қайтиб чиққандан кейин уни албатта беркитиб ташлайди «ёки нари борса биронта белги қўйиб ўзидан кейинги келаётган йўловчини огоҳлантириб кетади, кимдир ёпилган булоқлар кўзини очиб барча инсонларга меҳр булоқларидан баҳраманд бўлишга имкон яратади, кимдир йўл солади, кўприк куриб ўзидан ўчмас из қолдиради. Кимдир эса инсонга фақат бир мартагина бериладиган умрни зое кетказиб, ёмонликларга қўл уради, ота-она, бола-чақасини аччиқ кўз ёшлар тўкишга, бевақт, беажал умр шамининг ўчишига сабабчи бўлади.

Эзгу амал, илму урфон билан банд бўлган ёшлар эса ҳеч қачон ёмонликка қўл урмайди. Тараққийётна таназулга бошловчи ёвуз иллатларни йўқ қилиш, ёшларни бу касалликлардан холи қилиш учун бутун дунёдаги каби Республикаминизда ҳам жиддий ишлар олиб боришмоқда.

«Тўрт карра йўқ!» акцияси доирасида Республика болалар кутубхонасида бўлиб ўтган тадбир лавҳаларини кўрганда эса юқоридаги фикрлар канчалик асосли эканини англаб етасиз. Кутубхона худудидаги 13-оилавий шифохона шифокорларининг долзарб мавзудаги йўл-йўриқ ва маслаҳатлари эшитилган ушбу даврада 6 та ўрта махус касб-хунар коллежи ёшлари, ўқувчи-мураббийлари иштирок этишди. «Ёшлар ва қонун» клуби томонидан уюштирилган тадбир ниҳоятда керакли ва фойдали бўлганлигини сезиш қийин бўлмади.

— Бизнинг эртамиз бўлиши соғлом авлод, баркамол ёшларга ишонамиз, — деган фикрни илгари суради муаллим, — ёшлар билан ўтказилган «ОИТС—XXI аср кушандаси» деб номланган ток-шоу қанча ёшлар дилига чўғ солди, оммавий спортга, соғлом хордиққа қизиқиш уйғотди, адашганларга йўл кўрсатди.

Соғлом турмуш тарзи, жисмоний тарбияга, соғлом хордиқ, соғлом экологияга — ҳа йўналишидаги ушбу хайрли акция мазмун-моҳияти билан, қолаверса «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурининг ижроси Ватан ичра ватан бўлган маҳалалар олдиға ҳам катта вазибалар қўйган. Шу муносабат билан шахримиз маҳаллаларида катта ишлар олиб боришмоқда. Биз буни Собир Раҳимов туманидаги Аҳмад Яссавий маҳалласи тимсолида қўриб гувоҳ бўлдик. Маҳалла фаоллари, хотин-қизлар комиссияси раисаси, маҳалла котиби ва оқсқорқин диний маърифат ва маънавий-ахлоқий

тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирокида ўтказилган тадбирдан олинган лавҳалардан маълум бўлдики, «Тошкент» телеканали орқали намойиш этилаётган «4 карра йўқ!» телемарафон ёшларга таълим-тарбия бериш, уларни тўғри йўлга бошлашда жуда катта ёрдам бермоқда.

— Ёшларимизнинг келажакда хар номланма комил инсон бўлиб voyга етишлари бугун бизнинг бераётган тарбиямизга боғлиқ, — дейди Аҳмад Яссавий маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Шоира Тўлағанова.

## 4 x йўқ!

# «КЎРМАЙИН БОСДИМ ТИКОННИ...»

## ЁКИ «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИДА БЕРИЛАЁТГАН ҲАЁТ СЎҚМОҒИДАН АДАШГАНЛАРНИ ОҒОҲЛИККА ЧАҚИРУВЧИ ТЕЛЕМАРАФОН ҲАҚИДА

— Бунинг учун маҳаллада спортни оммавийлаштириш учун барча шарт-шароитларни яратишга интиляпмиз. Тез-тез спорт мусобақаларини ўтказиб келамиз. «4 карра йўқ!» акциясининг мазмун-моҳиятини ёшлар орасида кенг тарқиб қилишга, уларга кенгайтириб, чўқурлаштириб эркинлик ҳаракат қилишга. Маҳалламизда айни кунларда биронта турли гуруҳларга қўшилиб қолган, гиёвандликка берилган ёшлар йўқ.

«Умр заволи» деб номланган лавҳада эса қашандликка қарши олиб борилиши зарур бўлган кураш ҳақида сўз бёрди.

— Ота-оналар фарзанд тарбиясига эътиборли бўлиб, имкон борича етарлироқ шуғулланса эди, содир этилаётган ноҳуш ҳодисаларнинг олди олинган бўларди, — дейди малакали шифокор. — Қачонки ота-она ўз фарзандига хар қандай оғир ахволдан чиқиб кетиш мумкинлигини тушунирса олса ва уни шунга ишонтира олса кўнғилсизликлар, туганмас армонлар эртароқ браҳам толарди.

Шу ўринда қашандликка оид бир маълумотни бериб кетишни жоиз деб биламиз.

«Сигарет» сўзи инглиз тилида «чекиш учун мосланган», таркибида тамаки бўлган оқ қоғоз парчаси тушунасини беради. Тамаки испаниялик денгиз сайёҳлари томонидан XV асрда келтирилган. У XIX асрнинг охириларда Европада тезлик билан тарқалган. Сигарет таркибидаги никотиннинг 50 грами инсон қон томирига жўнатилса муқаррар ўлим ҳолатига элтишини англашнинг вақти келмадимикан деб ўйлаб қолсан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати маълумотиға кўра, хар йили тахминан 4 миллион киши чекиш оқиба-тида келиб чиқадиган касалликлар туфайли ҳаётдан кўз юмар экан. Олимлар тамаки келтириб чиқарувчи тўқсон тўққиз касаллик мавжудлигини таъкидлайди. Иордания саратон касаллигининг олдини олиш маркази томонидан чоп этилган рисолада шундай жум-лалар бор: «Оғзингга сигаретани олиб бораётган қўл сенга душмандир, чўнки у ўзи билан ҳалокатни олиб бормоқда. Чекиш кўрақ, қўл босими, саратон касал-ликлари ва охири ўлимга олиб боради». Шундай экан, биз эртамиз давомчилари бўлган ёш авлоднинг тама-кининг зарарли оқибатларини тўла тушуниб етишларига кўмаклашимиз лозим.

Кўрмайин босдим тиконни... Ҳаёт инсонга бир мар-та берилади, лекин уни қандай ўтказиш, қандай яшаш — олам сарвари бўлган инсоннинг ўзига боғлиқ. Шун-дай бўлса-да, билиб-билмай нотўғри йўлга қадам қўйганларга вақтида ёрдам бериш, уларни соғлом тур-мушга қайтариш энг улғу инсоний бурчаларимиздан бири эканлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Зиё ва зул-мат, эзгулик ва ёвузлик, гўзаллик ва қабохат ўртасида аросатда қолиб, ҳаётга ишончини йўқотган, ақинлари-дан, уларнинг меҳр-муҳаббатидан ўзоқлашибдан дах-шатга тушиб хар қандай йўлга ўзини уриб қўраётган-ларни тўғри йўлга сола олиш жамиятимизнинг энг кат-та ютуғидир. Бу борада маҳаллаларда мунтазам иш олиб боришса, хар бир оила учун маъсуллик ҳис этил-

са айни муддао бўлар эди. Аввало «4 карра йўқ!» теле-марафонининг мақсад-моҳияти хондон бекаларига, аёлларга, хусусан бола камолоти йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай фидойиллик билан заҳмат че-каётган оналарга етказилса ўйланган мақсадимизга тез-роқ етамиз. Кўрсатув муаллифи барча ота-оналари болаларни ўйлашга, оилаларнинг тўзиб кетмаслиги, парокандликка учрамаслиги, тирик етимлар сонининг кўпаймаслигига ёрдам беришга қақиради.

Биз чиройли яшашни истаймиз. «Меҳри дарё» ху-сусий тиббий маркази фаолияти билан танишув, пси-холог-руҳшуносларнинг жуда керакли ва фойдали маслаҳатлари ўйлаймизки, ҳеч бир томошабини бе-фарқ қолдирмаган бўлса керак.

— Телемарафонда кўтарилган масалалар ота-она-ларни фарзанди тақдирига, тарбиясига эътиборлироқ бўлишга қақиргани жуда ижобий ҳол, — дейди марказ психоневролог Ирина Фомина. — Ўтган 4 ой давоми-да фарзанди тақдириндан безовта бўлаётган ота-она-лар муружаатлари сезиларли даражада кўпайди. Биз-да 5-7 кун давомида тиббий муолажа, руҳшунос мас-лаҳатидан йўл-йўриқ олган гумонли йўлда турганлар ўз қилаётган ишларининг катта хато эканини тўғри англаб етмоқдалар. Шунингдек, тери-таносил касал-ликлари шифохонаси шифокори Шоҳида Жалилова, шаҳар ОИТС маркази раҳбари Собир Усмоновлар ота-оналар билан биргаликда иш олиб борилаётгани, хар бир касалиқнинг келиб чиқиш қонунятлари борли-ги ҳақида фикр билдирган бўлсалар, Тошкент шаҳар Оқсқоқлар Кенгаши ва «Маҳалла» жағмармаси бош мутахассиси Хайдарали Қораболоев шахримиз маҳал-лаларида салбий иллатларга қарши олиб борилаётган хайрли ишлар, «Бир болага етти қўшни ота-она» нақлига амал қилган, шу юрт фуқароси бўлган хар бир инсоннинг ёш ав-лод камолоти йўлидаги вазибалари, 200 дан ортиқ маҳалла посбонларининг бу ишга қўшаётган ҳиссалари ҳақидаги фикрларни билдирди.

Болалар спортини ривожлантириш жағ-мармаси томонидан маҳаллаларда олиб бори-лаётган ишлар хусусида ҳам сўз бориб, оила-вий спорт мусобақалари кенг тус олгани, шаҳарда 102 та спорт майдончалари таъмир-ланиб, уларда спортнинг 13-15 тури бўйича шуғулланиш имконияти яратилгани айтиб ўтилди.

«Саодат қалити» кўрсатуви йўналишидаги «Оила ва спорт» шоу-дастури ҳақида ҳам ало-ҳида айтиш лозим. Икки қисмдан иборат бўлган ушбу кўрсатувда энг яхши спортчи оилалар, спортчи-мураббийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари ишти-рокида «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуасида ўтказилган қизиқари учрашув ва спорт мусобақала-ри ҳақида ҳикоя қилинди. Нима учун баъзи оилаларда спортга эътибор катталиги-ю айрим оилаларда ум-ман қизиқиш йўқлигига эътибор қаратилиб, саволлар-га жавоблар изланди. «Сарҳумдон» маҳалласи оқсо-қоли Маҳмуд ака Рашидовнинг намунали спортлардан оиласи, маҳаллада янги ташқил этилган спорт ўйин-гоҳи ҳақидаги қизиқарли фикрлари тингланди.

Телемарафондан ўрин олган «Муносабат» деб ном-ланган, Сихат-саломатлик йилининг мазмун-моҳияти-ни тўғри англашга хизмат қилишга мўлжалланган уч-рашув, «Овқатланиш маданияти нима?» мавзуда та-наққил шифокор-олим, руҳшунос-терапевт, кенг жа-моатчилик вакиллари билан ўтказилган давра суҳбати, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси матбуот хизмати бошлиғи Рустам Едгоровнинг маҳаллаларда-ги 444 та милиция таянч пунктларида фаолият юри-таётган профилактика нозирларининг спорт ўйингоҳ-ларида олиб бораётган, ҳисобда турувчи тарбияси оғир ўсимларни спортга жалб этиш йўлидаги ишлар ҳақида-ги маълумотлардан керакли хулоса чиқариш мумкин бўлди.

Яна «Нима учун» деб номланган кўрсатувда оқ ароқ-нинг қора қилиши, одам ўзини ўзи ҳалок қилгани йўлини ўзи тўла тушунаган, иродасизлиги туфайли билиб-билмай ўзи танлаши ҳақидаги ўй-мулохазалар, ёш йи-гитнинг бир пиёла ароқ туфайли хазон бўлган умри ёшу қарини ўйлаб қадам босишга қақиргани шубҳасиз.

Хулоса ўрнида шунини айтиб ўтиш жоизки, марафон сўнгида «Нокдаун» деб номланган, ичкилик охи-роқибатда кишини хароб қилиши ҳақидаги фильм мав-зулар кўлами хотимаси сифатида, кишининг эсида қоладиган бўлиб яқунланган. «Тошкент» телеканални бош директори Незмат Саидхонов, Ўзбекистон Жур-налистлар ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов-ларнинг, асосий мақсадимиз — умид гуначлари бўлган ёшларнинг маънавий баркамол, жисмонан соғлом бўлиб voyга етишлари йўлида барчани ҳамкорликка қақириб, ободлик кўнглидан бошланиши, соғлом халқ соғлом миллатни вужудга келтириш ҳақидаги фикр-лари барчамизни фарзанд тарбиясига эътиборли бўлишга, хар қандай шароитда тўғри тарбия беришга масъул эканлигимизни унутмасликка қақириб туради деб ишонамиз.

Зеро Ватан тақдирини, юрт тараққийоти, ривож ёшлар қўлида экан уларни шунга муносиб қилиб voyга етказишга хар биримиз бурчимиз. Фурсатдан фойдала-ни ҳамшаҳарларимизни «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури ижроси йўлида хар ойнинг охириг яқин-басида «Тошкент» телеканалда ўтказиб келинаёт-ган телемарафонини кўриб боришга, фикр-мулохазаларингизни эса «Тошкент оқшоми» жамоаси билан ўртоқлашга қақириб қоламиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА

**СУРАТДА:**  
**Мирзо Улуғбек**  
 тумани худудий тиббиёт бирлашмаси ходимлари спорт мусобақасида иштирок этмоқдалар.



## МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсон манфаатига хизмат қилиб одамлар онгидаги боқимандалик кайфиятини сиқиб чиқармоқда, меҳнатга тadbиркорлик нукта-назари билан қарашни шакллантирмоқда. Меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ва дам олишларининг ўз вақтида берилишини назорат қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш мақсадида бошқармамиз тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда муҳим юридик ҳужжат — жамоа шартномаси қабул қилинган. Шу муҳим ҳужжат асосида 288 нафар ишчи-хизматчининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояланади.

Жумладан, ходимларга икки миллион 562 минг сўм миқдордаги иш қуроллари тарқатилиб, мавсумий иш кийимлари учун эса бир миллион 800 минг сўм миқдордаги маблағ сарфланди. Ишчиларнинг соғлиқларини муҳофаза қилиш мақсадида улар ҳар йили бир мартаба бепул тиббий кўриқдан ўтказилади. Шунингдек, ишчи-хизматчиларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказишлари учун бошқармамиздаги «Маънавият ва маърифат» хонасида китобларни севиб мутулаа қилишлари мумкин. Бундан ташқари

ишчи-хизматчиларнинг театр томошалари, концерт дастурлари ва дам олиш масканларига ташрифи уюштирилиб, бу хайрли мақсадлар учун 500 минг сўм миқдордаги маблағ сарфланди. Ўтган йили эса муҳтож оила-ларнинг фарзандлари учун 120 минг сўмлик ўқув қуроллари олиниб, бепул тарқатилди. Бундан ташқари ишчи-хизматчиларимизнинг соғлиқларини тиклаш, даволанишлари учун тиббий хизмат кўрсатиш муассасаси билан шартнома тузилиб, бу савобли ишлар учун баҳоли-қудрат маблағлар ажратилди.

Амалга оширилаётган ишлар билан биргаликда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Кўзда тутилган ишларни амалга ошириш, моддий манфаатдорликни кучайтириш орқали ишни янги-ча ташкил этиш, меҳнат аҳлининг манфаатини ҳимоялашдек хайрли ишларни ҳаётга татбиқ этиш фаолиятимиздаги асосий йўналишлардан бири бўлиб хизмат қилади.

**Ҳамза ХОЛМУРОВОВ,**  
**Чилонзор тумани ободонлаштириш бошқармасининг бошлиғи**

## ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат аҳлининг манфаатларини ҳимоялаш, корxonани ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришда ишга ижодий, тadbиркорлик билан ёндошуш муваффақият омилларидан ҳисобланади. Иқтисодиётнинг турли соҳаларида қўлланаётган сифатли рақобатбардош полипропилен қопларини ишлаб чиқараётган Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигида очилган «Емек» кўшма корxonаси фаолиятида мазкур масалага алоҳида аҳамият берилмоқда.

Маълумки, ун ҳаётимизда зарур кундалик истеъмол маҳсулотларидан ҳисобланади. Шу мақсадда кўшма корхона Туркиянинг «Дегра» корxonаси билан шартнома тузиб, унга асосан «Дегра» корxonаси томонидан ишлаб чиқарилган ун тегирмонини Ўзбекистонга олиб келиб, ун ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилмоқда, янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда корхонада 50 нафар ишчи меҳнат қилиб, ўртача иш ҳақи 110-120 минг сўмни ташкил этади. Ишчиларнинг 60 фоизини кар-соқов бўлган ногиронлар ташкил этади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ногиронларга корхона маъмурияти ҳамда касабга уюшма кўмитаси томонидан катта эътибор берилмоқда.

Корхонада бепул тушлик ташкил этилган. Ишчилар баҳоли қудрат моддий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда. Ишчилар бетоб бўлганда дори-дармонлар харид қилиш учун кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ва хусусий тadbиркорлик ходимлари касабга уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгашининг Чилонзор тумани вакиллиги ва корхона маъмурияти томонидан моддий ёрдам берилмоқда. Шунингдек, Мустақиллик, Наврўз умумхалқ байрамларида ва Халқаро ногиронлар кунинда ногирон ишчиларга моддий ёрдам кўрсатилди, улар байрам дастурхонининг азиз меҳмони бўлибдилар. Янги йил байрамидо ишчиларнинг фарзандларига ҳам ошларга чипталар, совғалар берилди. Шунингдек, ногиронларнинг шаҳар уюшмасига, «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар бўлимига, «Эко-сан» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимига имкон қадар хайрия ёрдами кўрсатилади.

Савобли ишлар кишиларни эзгуликка, корхонага меҳр қўйиб астойдил ишлашга, обрўси-га-обрў қўшилишига хизмат қилади. Яхши дам-меҳнатга ҳамдам деб бежиз айтилмаган. Корхона раҳбарияти ишчиларимиз соғлиғига катта эътибор берган ҳолда уларнинг спорт билан шуғулланиши учун имкониятлар яратиб берган.

Беҳзод Муҳаммадзонов ва Бўлат Нуралиев футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг етакчи аъзолари бўлиб, улар ўтган йилнинг май-июнь ойларида Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида иштирок этиб, мамлакатимизнинг спорт шарафини муносиб ҳимоя қилишда ўз ҳиссаларини қўшдилар. «Емек» кўшма корxonаси ўзининг ватанпарварлик бурчига содиқлик билан ёндошиб, мамлакатимизнинг мазкур терма футбол жамоасини спорт либослари, анжомлари билан тўлиққичга таъминлаб, уларнинг ушбу нуфузли мусобақада қатнашишларига яқиндан амалий ёрдам кўрсатди.

Меҳр-мурувват халқимизга хос хислатдир. Корхона раҳбарияти, хусусан унинг бош директори Укмен Огоҳ жанобларининг саяб-ҳаракатлари билан корхона атрофидаги маҳаллаларда яшовчи ҳам таъминланган, кўп болали оилаларга баҳоли қудрат ёрдам берилиб, саховатли ишлар амалга оширилмоқда, муҳтож кишиларнинг дуоларига сазовор бўлинмоқда, маҳалла аҳлининг чўқури-чўқурига эришилмоқда.

**Шерали ЗАХИДДИНОВ,**  
**«Емек» кўшма корxonаси касабга уюшма кўмитасининг раиси**

Оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш юзасидан ишлаб чиқилган шаҳар дастурига биноан меҳнат жамоаларида тузилган махсус комиссиялар февраль ва март ойларида ўз оромгоҳларида амалга оширилаётган тайёргарлик ишларини тафтишдан ўтказдилар. Уларни тиклаш учун зарур бўлган қурилиш ашёлари ва жиҳозларини етказиб бермоқдалар. Шаҳар Кенгаши фаоллари эса режа асосида барча стационар оромгоҳларда олиб борилаётган тайёргарлик ишларини текшириб чиқдилар ҳамда уларнинг эгаларига тегишли маслаҳат ва кўрсатмалар бердилар. Айни кунларда оромгоҳларни ўз вақтида тайёрлашда «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси, «Алгоритм» ва «Технолог» акциядорлик жамиятлари, «Авиация» ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ ва яна бир қатор корхоналар намунали ишларни олиб бормоқдалар. Ушбу оромгоҳларда муҳандислик коммунал-қияси, ичимлик суви ва коммунал-фойдаланиш иншоотлари таъмирланмоқда, автомобиль йўллари тикланмоқда, оромгоҳларни зарур асбоб-анжомлар билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда. Уларда телефон алоқасини тиклаш, кутубхоналарини янги наشرлар билан тўлдирish каби тadbирлар бажарилмоқда.

Шаҳар касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан оромгоҳларни озик-овқат маҳсулотлари, тиббиёт ашёлари, мутахассис кадрлар билан таъминлаш ишлари назоратга олинган. Ушбу масалалар шаҳар ҳокими ва шаҳар касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ўртасида 2005-2007 йилларга тузилаётган Келишув лойиҳасига киритилган.

Жорий йилнинг ёзи мавсуми даврида 26 та стационар ва 26 та умумтаълим мактаблари негизидо ташкил этилаётган оромгоҳларда 39 минг 400 нафар, идоровий стационар болалар соғломлаштириш оромгоҳларида пойтахт меҳнаткашларининг 7 минг 100 нафар фарзандларини соғломлаштириш ва дам олдириш режалаштирилган.

«Сихат-саломатлик йили» дастури

## ОРОМГОҲЛАР БОЛАЛАРНИ БАҲРИГА ЧОРЛАЙДИ

Меҳнат аҳлининг фарзандларини мактаб ўқувчиларининг ёзи таътил кунларида соғломлаштириш ҳамда бўш вақтларини маъмурий ўтказишларини ташкил этиш пойтахт касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши фаолиятида муҳим ўрин эгаллаб, бу борада режа асосида тadbирлар амалга оширилмоқда.

Шаҳар касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан оромгоҳларни озик-овқат маҳсулотлари, тиббиёт ашёлари, мутахассис кадрлар билан таъминлаш ишлари назоратга олинган. Ушбу масалалар шаҳар ҳокими ва шаҳар касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ўртасида 2005-2007 йилларга тузилаётган Келишув лойиҳасига киритилган.

Меҳнат жамоалари ва уларнинг касабга уюшма кўмиталари маблағлари ҳисобидан эса жорий йилга қабул қилинган жамоа шартномалари асосида корхоналарда ишлаётган кам таъминланган, кўп болали ва ночор оилаларнинг 300 нафар фарзандларини бепул дам олдириш кўзда тутилган.

доирасида эса стационар оромгоҳларда бепул йўлланмалар билан шаҳар касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг маблағлари ҳисобидан 800 нафар меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчиларини, 500 нафар болалар ва ўсириллар спорт мактаблари ўқувчиларини, 900 нафар Мустақиллик байрами шодийнасида иштирок этувчи иқтидорли болаларни ҳамда Оролбўйи минтақаси меҳнаткашларининг фарзандларини соғломлаштириш режага киритилган.

Меҳнат жамоалари ва уларнинг касабга уюшма кўмиталари маблағлари ҳисобидан эса жорий йилга қабул қилинган жамоа шартномалари асосида корхоналарда ишлаётган кам таъминланган, кўп болали ва ночор оилаларнинг 300 нафар фарзандларини бепул дам олдириш кўзда тутилган.

Ёзи мавсумини ташкилий равишда уюштириш масалаларининг барчаси тегишли шаҳар бошқарма ва идоралари билан келишиб олинган.

Шаҳар ҳокимлигининг Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, Савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти оромгоҳларга зарур бўлган маҳалла ходимларини тайёрлаб бермоқдалар. «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси корхоналар талабномаларига биноан оромгоҳларга болаларни ташиш бўйича, «Меҳри савдо» давлат корxonаси оромгоҳларни озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрмоқдалар, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази оромгоҳларни қабул қилиш ва фаолиятини назоратдан ўтказиш ишларини бажармоқдалар. Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси томонидан оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш учун уларнинг барчасига милиция ходимларини ишга юбориш, оромгоҳларга болаларни автобусларда олиб бориш ва қайтариб олиб келишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш режалаштирилмоқда.

Ёзи таътил даврида касабга уюшмалари ташкилотлари пойтахтнинг маданият ва истироҳат боғларида, маданият саройлари, клуб ва кутубхоналарида, мактабдан ташқари ва бошқа муассасаларда болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган тadbирларга оромгоҳларга жалб этилмаган пойтахт меҳнаткашлари фарзандларининг ташрифини ташкилий равишда уюштириш кўзда тутилган. Фарзандлари соғлом юрт-қудратли бўлур деб бежиз айтилмаган. Ушбу хайрли мақсад йўлида куч-ғайратимизни асло аямаймиз.

**Ирода ҲИҚМАТОВА,**  
**Тошкент шаҳар касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг етакчи мутахассиси**

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Тошкент шаҳар касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг саҳифаси



СУРАТЛАРДА: «Чоштепа» маҳалласида болажонларнинг санъатга ошно бўлишлари, ўқишдан бўш пайтларида мароқли дам олишлари учун мана шундай шароитлар яратиб келинади.

Тармоқдаги мавжуд учта касб-хунар коллежларида, Ўзбекистон Республикаси кўзи оғизлар жамиятининг маданият саройида ҳодимларга қонунда белгиланган имтиёз ҳамда кафолатлардан ташқари қўшимча имтиёзлар, енгилликлар, имкониятларини бериш кўзда тутилганлиги сабабли жамоа шартномалари қабул қилинмади. Мазкур ташкилотлардаги ишчиларнинг сони 206 нафарни ташкил этиб, умумий тармоқдаги касабга уюшма аъзоларининг 0,3 фоизига тўғри келади.

Тармоқ ходимлари касабга уюшмасининг шаҳар кенгаши йирик касабга уюшма ташкилотлари учун жамоа шартномаларининг 2004 йилдаги янқулари масаласи бўйича 2 та семинар ўтказди. Статистик таҳлилларнинг 2004 йилдаги янқулари жамоа шартномаларининг мажбуриятлари «Меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантириш бўлими»га тўғри келиб, иш ҳақини тўлаш муддатининг чўзилиши ва йил янқулари бўйича бериладиган иш ҳақларининг тўланмаётганлиги бунинг асосий сабаби ҳисобланади.

## ЮТУҚЛАР БОР, МУАММОЛАР ҲАМ ЕТАРЛИ

Меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда жамоа шартномаси гоят муҳим ўрин эгаллайди. Енгил, меҳнат саноати ҳамда коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касабга уюшмаси шаҳар кенгаши ўз таркибига 62 мингдан ортиқ касабга уюшма аъзоси бўлган 152 та бошланғич касабга уюшма ташкилотини бирлаштириб, цех касабга уюшма ташкилотларига алоқадор бўлган 427 та юридик шахс фаолият кўрсатади. Ўтган йилда 148 та бошланғич касабга уюшма ташкилотларида жамоа шартномаларига амал қилишда унинг мажбуриятлари 423 та мустақил юридик-шахслар зиммасига юкланди.

Шунингдек «Меҳнат муҳофазаси» бўлимида ҳам қатор мажбуриятларнинг бажарилмаётганлиги кузатилмоқда. Моддий қийинчиликлар оқибатида 50 фозидан ортиқ корхона ва ташкилотларда махсус сўт берилмаётганлиги, махсус кийим ва совун билан таъминланмаётганлиги ҳам учрамоқда. Умумий харажатлар ҳақида меҳнатни муҳофаза қилишга қилишга бўлган харажатларни қамайтиришга мойиллик сезилмоқда. Агар 2004 йилда жамоа шартномаларининг мажбуриятлари бўйича хар бир ишчига ўртача 185,48 минг сўм сарфланган бўлса, меҳнатни муҳофаза қилиш учун сарф-харажатлар 12,9 минг сўмнигина ташкил этган.

Асосан хусусий шерикчилик соҳасидаги корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишга қилишга қилишга бўлган харажатларни қамайтиришга мойиллик сезилмоқда. Агар 2004 йилда жамоа шартномаларининг мажбуриятлари бўйича хар бир ишчига ўртача 185,48 минг сўм сарфланган бўлса, меҳнатни муҳофаза қилиш учун сарф-харажатлар 12,9 минг сўмнигина ташкил этган.

Асосан хусусий шерикчилик соҳасидаги корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишга қилишга бўлган харажатларни қамайтиришга мойиллик сезилмоқда. Агар 2004 йилда жамоа шартномаларининг мажбуриятлари бўйича хар бир ишчига ўртача 185,48 минг сўм сарфланган бўлса, меҳнатни муҳофаза қилиш учун сарф-харажатлар 12,9 минг сўмнигина ташкил этган.

**Кобил РИЗАЕВ,**  
**Енгил ва меҳнат саноати ҳамда коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касабга уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши ташкилий ишлари бўлимининг мудири**

## ХАЙРЛИ ИШЛАРДА ҲИССАМИЗ БОРЛИГИДАН ҚУВОНАМИЗ

Пойтахтимиз Тошкент Мустақилликнинг шарофати билан таниб бўлмас даражада ўзгариб, хусуси-га-хус, кўрмага кўриб қўшилиб жаҳоннинг энг гўзал шаҳарлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаб бормоқда. Шаҳримизнинг озодаллигини сақлаш, унинг худудини бог-бўстонларга, гулзорларга айлантиришдек хайрли ишларни амалга оширишда Тошкент шаҳар ҳокимиятининг Ободонлаштириш бош бошқармаси меҳнат аҳлининг пешона терини тўкиб қилаётган хизмати борлигини қувонамиз.

Киши ўз меҳнати маҳсулини кўриб манун бўлиб ғайратига ғайрат қўшилганидек, бошқармамизда ҳам бу борада бир қатор тadbирлар амалга оширилмоқда. Хар йили февраль ойида бошланғич Мустақиллик умумхалқ байрами арафасида янқуландиган касбий маҳорат кўрик-танловлари шулар жумласидандир. Туманлардаги ташкилотлар ўртасидаги «Энг моҳир гулчи», «Энг яхши богбон-шакл берувчи», «Энг яхши мироб», «Энг яхши йўл ишчиси», «Энг яхши фаррош» кўрик танловлари ишчиларнинг маҳоратини ошириш билан бирга шаҳримизнинг чиройини очишга хизмат қилади. Тadbирларда барча иштирокчилар муносиб рағбатлантирилмоқда, голиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланмоқдалар.

«Яхши дам — меҳнатга ҳамдам» деб бежиз айтилмайди. Ёзининг жазирама иссиғида, қишининг қаҳратон совуғида шаҳримиз озодаллигини сақлаш, унга чирой бағишлашдек, машаққатли ва хайрли ишни амалга ошираётган бошқармамиз ишчиларининг мароқли маданий дам олишлари ташкил этилмоқда. Хар бир байрамда ишчилар чиройли дастурхонининг азиз меҳмони бўлиб, совғалар билан тақдирланмоқдалар. Айниқса, бу йилги Наврўзи олам байрам шодийнаси ўзгача руҳ билан ўтказилиб, барчада яхши таассурот қолдирди. Жумладан, Чилонзор, Бектемир, Мирзо Улуғбек туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан уюштирилган байрам тadbирлари серфайз ва мазмунли ўтди. Юнусобод туман ободонлаштириш бошқармаси савобли ишга қўл уриб, кам таъминланган иқтисодиётнинг мазкур бошқармада меҳнат қилаётган ходимларининг никоҳ тўйларини хайрия сифатида ўтказиб берди. Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бошқармасида кўпгина хайрли ишларни амалга ошириш билан биргаликда бажарилиши талаб этиладиган ишлар ҳам кўп бўлиб, меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатини ҳимоялаш борасидаги меҳнатимизни асло аямаймиз.

**Маҳбула МАМАДАЛИЕВА,**  
**Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси касабга уюшма кўмитасининг раиси.**

## СПОРТ ТУРМУШ ТАРЗИДАН ЎРИН ОЛМОҚДА

Инсон камолотига, жамиятнинг ижтимоий ривожига хизмат қиладиган маънавий-маърифий тadbирлар, эзгу ишларни амалга ошириш касабга уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Бу борада кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тadbиркорлар касабга уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгашининг Юнусобод тумани вакиллигида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, тармоқ касабга уюшмаси шаҳар кенгашининг Юнусобод тумани вакиллиги томонидан мазкур туман хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликда хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида корхоналар ва ташкилотларда, маҳаллаларда, ўқув муассасаларида маърифий тadbирлар, мутахассислар иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. 150-ўрта мактабда Жомий маҳалласи билан ҳамкорликда «Террорчиликка қарши даъват, болалар тарбиясида оиланинг масъуллиги», 240-ўрта мактабда 6-7 синф ўқувчилари билан биргаликда «Боғишамол» маҳалласи билан ҳамкорликда «Кийиниш одоби», «Соғлиғинг ўз қўлингда» каби мавзуларда ўтказилган йиғилишлар, учрашувлар ўз мазмун-моҳияти билан муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари келажак авлод-ёшларнинг соғлигини муҳофаза қилишга эътибор қаратилиб, «Обод» маҳалласида 180 нафар ёшлар тиббий кўриқдан ўтказилди, «Дўстлик» маҳалласида оилаларда тиббий маданиятни ошириш юзасидан 44-оилавий поликлиниканинг бош шифокори Муяссар Бобонова, «Отчопар» маҳалласида гинеколог Ж.Ли иштирокида давра суҳбатлари ўтказилиб, шифокорлар аёлларнинг соғлиқларини сақлаш, болаларнинг барқомол бўлиб вояга етиши учун қандай муҳим омилларга аҳамият бериш хусусида қимматли маслаҳатларини бердилар.

Кези келганда айтиш жоизки, жисмонан соғлом маънавий жиҳатдан етук бўлган оила ва айниқса, она ва боланинг соғлом, жисмонан кучли, ақли расо бўлиши миллатнинг келажакини белгилашга хизмат қилади. Бу долзарб масалага ҳаммиша жиддий аҳамият бериш даркор. Шунингдек, спорт бу борада барча мизининг ишончли дўстими, ажралмас ҳамроҳимизга айланаётганлиги, турмуш тарзинингдан ўрин олаётганлиги қувонарлидир. Шу хайрли мақсад йўлида «Шивли» ҳамда ГИёс Умаров номидаги маҳаллалар билан ҳамкорликда 70-ўрта мактабнинг спорт майдонида ушбу маҳаллалар худудидоги корхона ва ташкилотларда ишлаётган ҳамда ушбу маҳаллаларда истиқомат қиладиган хотин-қизлар ўртасида спортнинг шахмат ва шашка, волейбол, баскетбол, стол тенниси каби турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Ғолиб ҳамда совриндорлар тармоқ касабга уюшмаси шаҳар кенгаши туман вакиллигининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Муҳими совгагина эмас, кишиларга эътибор кўрсатиш, спортга меҳр уйғотиш, эзгу ишларга чорлаш десак муболаға бўлмайди. Бундай хайрли тadbирларни ҳаётга татбиқ этиш ҳаммиша фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб хизмат қилади.

**Дилбар ЗАЙНУТДИНОВА,**  
**Кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тadbиркорлар касабга уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгашининг Юнусобод тумани бўйича вакили**

## Шарқ дурдоналари

# 03-03 ҲАҚИҚИЙ ДОМО БЎЛУҒ...

● Дўстлар яхшироғи ҳар вақт ҳамдамларни ўз шафқати соясида турар ва қарам эшигини улар юзига очиб қўяр, тилакларини ва ҳождатларини юзига чиқарар.

● Оқил киши донога, олижаноб, ростўй ва ҳушқўйга дўст бўлур, хиёнаткор ва фосикдан қочар.

● Дўст кишини бир йилда ҳам топиш осон эмас, аммо уни бир лаҳзада йўқотиб қўйиш мумкин.

## Икки лаб бир бўлса,

хаттоки нафас,  
Улар орасидан осон  
ўтолмас.

Кўздек бир-бирингга

бўлма тескари,

Лаблардек иттифоқ

бўлғил аксари.

Фаробий ҳикматлари:

● Инсон яхши тарбия қўрмаган ва турмушда тажриба орттирмаган бўлса, у кўп нарсаларни назарга илмайди ва улардан жирканади. Бундай нарсалар унга ноўрин кўринади. У билим ва тажрибага эга бўлгандан сўнг фикри ўзгаради, ноўрин бўлиб кўринган нарсалар зарурий бўлиб чиқади.

● Оқшўлик билан мақсадага интилгучиларнинг иши ҳаммиша ғаразли бўлади, фақат ўзларинигина ўйлайди.

● Инсоннинг хайрли ва гўзал ишлари учун хизмат қилувчи руҳий хислатлари яхши фазилатдир.

● Яхшилик қилиш ҳурмат-эҳтиромли бўлиш, лаззатланиш, саодатли бўлиш йўлида қилинадиган ишларни амалга оширишдаги энг яхши усуллардан биридир.

● Хоҳ шаҳарни бошқаришда бўлсин, хоҳ уй қуришда бўлсин, яъни ҳар бир соҳада мулоҳазали одам учун энг муҳими тўғри, фозилона фикр юритишдир. Токи бирон қаршиликка учрагандан олган бартаврад элвчи тўғри йўл топа олсин.

● Халқ ақли кишиларни доно деб атайди, чунки улар инсонларга керакли нарсаларни ўйлаб топдилар.

● Инсон туғилганда камолотли бўлиб туғилмайди, янги туғилганлар орасида аслида фарқ ҳам бўлмайди, ҳулқи, фаолияти, ҳаёти ўхшаш бўлади. Булар кейинчалик ўзгаради, яъни жамиятда одамлар орасида ўса бошлагандан кейин шаклланади.

\*\*\*

## Кисса:

Бир арслон ўз ёнида ўтирган бўри билан тулғига ҳамкорликда овга боришни тақлиф қилиб деди: — Ҳаммаиш ўрмоннинг турми тароғига тарқалайлик. Нимани ов қилсак, мана шу жойга келиб тақсимлаймиш.

Улар арслоннинг сўзини қабул қилиб, ҳар тарафга тарқалдилар. Бироз фурсатдан кейин арслон бир қулони саж қилиб келтирди. Бўри бир кийкинни, тулки эса бир қуёни олиб келди. Ўлжаларнинг ҳаммасини арслоннинг ёнига қўйдилар. Арслон буларни тақсим қилишни бўрига буюрди. Бўри арслоннинг олдига қулони қўйди. Кийкинни ўзига, қуёни тулғига берди. Бундан газабланган арслон бўрини тилка-пора қилди. Сўнгра ўлжаларни тақсим қилишни тулғига буюрди. Тулки арслонга таъзим қилиб: — Ҳозир тушқи оғват вақтидир. Дарҳол қулони тановул қилиб, Кечки пайтда қорингиз очса, кийкинни тановул қиласиз. Эртага эрталаб уйкудан турганингизда юракнинг зардобини битириш учун қуёни ерсиз, жуда яхши даво бўлади, — деди.

Арслон тулкининг тақсимидан завқланб: — Сен бу макбул тақсим қилишни қимдан ўргандинг? — деб сўради.

Тулқи қилиб:

— Оёйингиз остида ўлиб ётган бўридан ўргандим, — деб жавоб берди.

Ҳар йилнинг ўзига хос унутилмас, эсда қоларли кунлари бўлади. 1983 йил «Оқшом» тарихида уч муҳим воқеа билан биз таҳририят аъзолари ва муштарийлар ёнида ўчмас из қолдирган десак янглишмаган бўламиз. Булар — «Оқшом» газеталарининг 5 мингинчи сонининг чоп этилиши, азим шаҳримиз Тошкентнинг 2000 йиллигининг нишонланишига бағишланган тантаналар ва журналистлар Тўлқин Расулев, Маҳмуд Комилжонов, Мухаммадвали Муродовларнинг «Зафарнинг юрак дафтари», «Барнони бахтсиз қилган ким?», «Бемехрлик шунчаликми?» номли ахлоқ-одоб мавзусидаги мақолаларига газетхонлардан келган мактублар асосида отахон ёзувчи Мирзақалон Исмоилий томонидан тайёрланган уч саҳифалик публицистик мақолалар тўпламидир.

Ушбу йилга бағишланган ҳикоямизда айнан шулар ҳақида фикр юритишни лозим топдик. Анъанага биноан газета ўзининг йил бошидаги газетхонларга мурожаатида ҳам биз юқорида қайд этган муҳим саналар ва йил давомида қутилаётган баъзи нуфузли воқеалар ҳақида шундай хабар берганди. «Азиз оқшомхон, сиз, янги — 1983 йилдаги «Тошкент оқшоми»нинг биринчи сонини қўлингизга олясиз. Ана шу 1 рақами ва газета номининг ёнида бошқа 4992 рақами ҳам турибди. Бу жуда яқин кунлар ичида Тошкент «Оқшом» газеталарининг беш мингинчи юбилей сони чиқишидан дарак бермоқда. Газеталарнинг қарийб беш мингта сонининг ҳаммасида сиз азиз оқшомхон, бизнинг фаол, энг яқин маслаҳатчимиз бўлдингиз. Бунинг учун сизларга қизгин миннатдорчилик билдирамиз. Бу йил Тошкентнинг 2000 йиллиги кенг нишонланади. Шаҳримиз, республикамиз ва мамлакатимиз ҳаётидаги ана шу йирик санага бағишланган кўплаб материаллар газета саҳифаларида ёритилади. Ўзбекистон пойтахтининг 2 минг йиллигига бағишланган «Тошкент таронаси» танлови давом этади. Кириб келган Янги йил Ватанимизга янги меҳнат армуғонлари, олға ҳаракат қилиш йўлидаги янги саҳифалар йили бўлади?..

«Оқшом» бу муҳим саналарга қизгин тайёргарлик кўрди. Газета Ўзбекистон пойтахтининг 2 минг йиллигига атай ўз саҳифаларида «Тошкент таронаси» деб аталган махсус танлов эълон қилиб, ушбу рўкн остида мунтазам равишда Тошкентнинг ўтмиши ва келажагига бағишланган мақолалар, давримизнинг етуқ шориларининг Тошкент ҳақидаги шеър, баллада ва дostonларини чоп этиб борди.

«Тошкент таронаси»нинг довруғи кенг тарқалди. Ушбу танловда қатнашиш истагини билдириб, қардош республикаларнинг ижодкорларидан ҳам Тошкент таърифи битилган жуда кўплаб ижод намуналари кела бошлади. Улар навбатма-навбат газета саҳифаларидан ўрин олди.

12 январь кuni «Оқшом» газеталарининг махсус сони эълон қилинди. Газетамизнинг 5 мингинчи сонига бағишланган бу чиқиш учун энг сара мақолалар танлаб олинди. Газетанинг барча саҳифалари асосан жамoатчи мухбирларимиздан келган хат-хабарларга бағишланди. Ушунда «Оқшом» саҳифасида эълон қилинган бoш мақoлада, жумладан, шундай сатрлар ўрин олганди.

«Бугун сиз, азиз дўстлар, газетамизни дўкoнлардан сотиб олдингиз ёки обуна бўйича уйингизга келтириб беришди. Албатта, унинг одадагидек эмаслиги диққатингизни жалб этди. Ҳа, бу газетамизнинг 5 мингинчи сони, ўша ёдимизда қолган 1966 йилнинг июль кунидан, шаҳар учун оғир дақиқаларда Ўзбекистон пойтахтида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари чоп этила бошлаганидан буён ана шунча маротаба газетамизни қўлга олдингиз. Газетанинг илк кунларидан

бошлаб кўплаб тошкентликлар бизнинг самимий ва талабчан дўстларимиз бўлиб қолишган. Уларнинг қўллаб-қувватлаши, маслаҳатлари ва эътиборлари туфайли газета шаҳарликлар билган бугунгидек қиёфа касб этди. «Оқшом» газеталари саҳифаларида газетхонлар таҳририятга тақлиф этган кўпгина рўкнларни кўриш мумкин. Газетхонларимизнинг фаол иштирокида кўп бор махсус сонлар, саҳифалар, туркум материаллар ёритдик. Журналистлар бундан кейин ҳам ўзларининг жамoатчи мухбирлари билан алоқаларини мустақамлашга аҳд қилганлар. Шу йилнинг кузида серкуёша Ўзбекистонимизнинг гўзал пойтахти ўзининг 2 минг йиллик юбилейини нишонлайди. Ҳар бир тошкентлик

қандай одамнинг юрагини эзиб ташлайди. Дод, шундай ярамас оналардан!..»

Шундан кейин яна бир қанча газетхонлар хатларидан мисоллар келтирган ёзувчи қуйидаги сатрлар билан ўз мақоласини тугаллайди. «Барнони бахтсиз қилган ким?» сарлавҳали мақола газетхонлар орасида кенг муҳокама қилинди. Бу жонли ва ҳаяжонли қизгин муҳокама давримизнинг барча кишиларини ўзига тортди. Улар орасида олий ўқув юрталарининг профессорлари, педагоглар, қурилишимизнинг муҳандислари ва оддий ишчилари, мактаб ва техникум ўқувчилари, олий мактабларнинг талабалари, ҳуллас, жамиятимизнинг барча табақа вакиллари ўз фикрларини айтишди. Шу билан биз ҳам биринчи мақола ҳақидаги сўзимизни мухтасар қиламиз.

Энди иккинчи мақола ҳақида:

«Тўлқин Расулевнинг «Зафарнинг юрак дафтари» сарлавҳали мақоласи, — деб ёзади Мирзақалон Исмоилий. — Газетхонларни кўққисдан қимирлаган зилзила сингари ҳаяжонга солди. Катта ҳам, кичик ҳам, олим ҳам,

фозил ҳам қалбларида уйғонган габуз зуридан қўлларига қалам олиб, ба ярамас ҳодисага муносабатларини таҳририятга ёзиб юбордилар. Бу беҳад кўп мактубнинг қайси бирига кўз югуртирманг, ҳаммасида ҳақиқий инсонга хос олийжаноб тўғу барқ уриб туради. Мана ўша оташнафас мактублардан биттаси.

Жиззах шаҳрининг Ҳамза кўчасида истиқомат қилувчи физик олим Х.Иноятов шундай деб ёзади: «Зафарнинг юрак дафтари»ни ўқиб, «Ғунча чоғида сўлдирилган Заҳрода нима айб-а?» деб ўйлаиб кетдим. Қанча ўйламай, унинг заволи виждонсиз отада қўрилди. Ҳа, боқиж Заҳро юзига, чарақлаб турган чиройли кўзларига бераҳмлиқ билан ароқ сочиб юборган бешафқат отада! Бир қинғир оёқ хотин билан ўтадиган ҳаром соатларини деб, оила бахтидан, ширин-шакар болаларидан воз кечган энг ярамас, энг бағритош ота у!»

Ёзувчи учинчи мақола ҳақида ҳам шундай илиқ сатрлар битиб газетхонлардан келган хатлардан мисоллар келтиради. Ниҳоят, у ҳар уччала мақолага шундай ҳулоса ясайди.

«Инсон камолини унинг ҳулқи, одоби, сўзи ва хатти-ҳаракатида кўраимиз, муносиб баҳо берамиз. Еш авлодга, болаларга ғамхўр инсон қалбида қуёш бор дейиш керак. Шундай қилиб «Оқшом» газетамизда чоп этилган ҳар уччала мақолаларда инсонийлик, олижаноблик, болаларварлик каби кўплаб фазилатлар тараннум этилдики, буларнинг ҳаммаси оқшомхон қалбига ёғду, фаровон манзилга зиё бахш этиб туради.»

Албатта, Мирзақалон Исмоилийдек машҳур ёзувчининг бу таърифи биз «оқшом»чиларни руҳлантириб юборди, ўз ижодимизга масъулият билан қарашга чорлади. Бундан яхшироқ мақолалар ёзишга куч-қувват бағишлади.

Шу йилнинг 10 сентябри «Оқшом» газеталари тарихида муҳрланиб қолди. Шарқ юлдузи деб аталувчи Тошкент 2 минг ёшга тўлди.

Шу кунларда Ал-Хоразмийнинг 1200 йиллигига бағишланган тантаналарнинг, Ўзбекистондаги Япония кунларининг қатнашчилари, бошқа чет эллик меҳмонлар, «Тошкентнинг олтин кузи» фестивалининг қатнашчилари юбилей санасини Тошкент аҳолиси билан бирга нишонлаш учун шу ерга тўпландилар.

Табийки, бу тантаналар «Оқшом» газеталари саҳифаларида кенг ёритилди. Бугун биз ўша сарайган саҳифаларни арақайлаб туриб, ўша йилда рўй берган бу муҳим воқеаларни яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказдик.

Машҳур ёзувчимиз Абдулло Кодирий таъкидлаганидек бу сафар мोजийга қайтиб иш кўрдик.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

## Ҳикоялар саҳоси

# «ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ ЎН САККИЗИНЧИ ҲИКОЯ

ана шу санага ҳозирликка ўз хиссасини қўшиши керак. Корхонангизда, ўзингиз яшаётган даҳа ва мавзелада бу санага тайёргарлик қандай кетяпти, шу ҳақда бизга ёзиб юборинг».

Юқорида баён қилганимиз ахлоқ-одоб мавзусидаги уч мақола ҳам таҳририятнинг ютуғи сифатида катта шов-шувга сабаб бўлди.

— Шу йил, баҳор кезлари, севиқлик газетамиз «Тошкент оқшоми» саҳифаларида ҳаётимизда учраб турадиган ахлоқ-одоб чалқашликларига оид учта мақола босилди, — деб ҳикоя қилганди таниқли ёзувчи ва таржимон (охирати обод бўлсин) Мирзақалон Исмоилий. — Мен буни мақола эмас, учта ҳаяжонли бонг урилди, дегим бор. Булар ҳаммамизни оғохлантирувчи, хушёр бўлишга ҳақирувчи шундай қучли, шундай ҳаяжонли бонглар эдики, газетхонлар оёққа туриб кетишди. Бу бонглар кундалик ҳаётимизда қулоғимизга қалиниб турадиган оддий завод гудого эмас эди, бу ундан неча бор қучли, қудратли маънавий бонг эди. Ҳа, газетанинг учта сониди учта қудратли бонг урилди. Мана улар: «Барнони бахтсиз қилган ким?», «Зафарнинг юрак дафтари», «Бемехрлик шунчаликми?». Бу оташнафас мақолаларнинг ҳар биридан олов фаввораси уфурди, газетхонлар бағри куйдириб юборилди. Куйиб-ёниб, йилбағина қолишмади, ҳар бири бу даҳшатли воқеага ўз муносабатини, очик, алачик хат билан газета орқали билдирди.

Маҳмуд Комилжоновнинг жамoатчилик муҳокамасига ташланган «Барнони бахтсиз қилган ким?» сарлавҳали мурожаатига минглаб жавоб хати келди таҳририятга. Яна шуниси қувончлики, ҳамма хат идрок нуқтаи назаридан бир хил. Боласини ташлаб кетган ярамас онани ҳамма бир хил қоралайди, бир хил қарғайди. Мана ўша лаънатномалардан бир мисол: «Мен «Чевар» фабрикасида ишлайман, — деб ёзади Тошкентдаги Гвардиячи кўчасида яшовчи Хурунисо Ёқубова. — Ҳар кун ишдан қайтгач, газета ўқиб ҳордиқ қилараман. Барно қизни бахтсиз қилган ярамас онаси ҳақидаги мақола-ни ўқиб, айниқса унинг узукка келган кунни айтилган сатрларни кўздан кечира туриб, ўзини тутолмай қолдим. Томоғимга муштдек бир нарсатиқилди, кўз ёшларим ҳарфларни кўрсатмай қўйди. Юракларим эзилиб кетди. Мақоланинг қолган қисмини қизим ўқиб берди. Барнонинг: «Ойим келиб дадамнинг жонини олиб кетган экан, ҳар доим дадам тасалли бериб, «қизим, кўзинг албатта очилади, операция қилиб бўлса ҳам шифокорлар тузатишади, кўнглинг тўқ бўлсин, оппоғим» дер эдилар. Энди менга бу сўзларни айтадиганим йўқ деган сўзлари ҳар

**Шурфа олам****ЎФРИ САЙЁХЛАР  
ТУФАЙЛИ**

АҚШ ва Ғарбий Европалар Мадагаскарга келаётган сайёҳлар мамлакат ҳайвонот дунёсига қирон келтирмоқда.

Улар ноёб ҳайвонларни юртига олиб кетиб, пуллаш-ни касб қилиб олган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ахвол шундай давом этаверса, Мадагаскар яқин йилларда хувиллаб қолиши турган гап.

**ИНТЕРНЕТ  
ХИЗМАТИ БЕПУЛ**

Германия ҳукумати мамлакатнинг барча фуқаролари учун бепул интернет тармоқлари очиб қўйишга қарор қилди.

Келаси йилдан бошлаб, барча мактаблар интернетга уланидиган компьютерлар билан жиҳозланади. Шунингдек, жамоатчилик кутубхоналари ҳам бу имкониятдан фойдаланади.

**ТАРБИЯСИ  
ҚИЙИН  
ШОГИРДЛАР**

Таиландда муаллимлар учун дарс ўтиш қийинлашиб бораётди.

Масалан, муаллима Тови Пхангачан дарсни бошлаш учун синфга кирганида, унинг ўқувчилари бўлимиш 20 мақола бор овози билан қичқириб, тўс-тўполон бошлайди. Бир ойдири, Тови Пхангачан маймунларни дарахтга чиқиб, мева теришга ўргатмоқда. Натижа қандай бўлишини ҳеч ким айта олмапти.

**ХАРИДОРЛАРИ -  
ФОЛБИНЛАР**

Нигерияда бола ўғирлаш авж олди. Яқинда Лагос шаҳрида ушланган 31 ёшли Екени Ифалова камида юз бола-ни ўғирлаганини тан олди.

Ўзининг эътироф этишича, у бундай жиноий бизнес орқасидан икки йил ичида 11 минг АҚШ доллари ишлаб олган. Екени Ифалова ўғирланган болаларни афсунарга ва фолбинларга сотар экан.

**УЧИШГА  
МАЖОЛИ ЙЎҚ**

Италияда нашр этиладиган «Корреро дела сера» газетасининг ёзишича, мамлакат ҳарбий авиацияси ачинарли ахволда.

Ўнлаб тажрибали учувчилар ишдан бўшаб кетмоқда. Аксарият самолётларнинг техник аҳоли қоникарсиз даражада, баъзилари эса ҳавога умуман кўтарила олмайд.

**СОНИ  
МЕЪЕРДАН  
ОШСА**

Хитой аҳолиси сони 2030 йилга келиб, 1,6 миллиарддан ошса, мамлакатда ичимлик суви танқислиги муаммоси юзага келади.

Хитой амалий фанлар академияси эълон қилган ҳисоботда ана шундай ташвишли маълумот қайд этилган.

**Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни****оидида****БОЛАЖОНЛАР  
КЎЗЛАРИДА КУЛСИН  
ЖУМЛАИ ЖАҲОН**

Оламда бир поклик муҳасам...

У шундай ёруғ, сирли, ҳайратли, ҳадсиз салтанатки, беғуборлиги билан сизни лол этади. Бу — болалик. Болалар — бизнинг эртанимиз, келажагимиз. Уларнинг ҳар

спорт майдончаси кўзга ташланади. Боғча биносига жойлашган дарс ўтиш, хунар ўргатиш, бошқа машғулотлар ўтказиш хоналари, болаларнинг дам олиб ҳордиқ чикариш хоналари бир-биридан чиройли, саранжом, юксак дид билан жиҳозланган.



Зухра Сағдуллаева, Феруза Хикматуллаева, Малика Уразметова, Барно Абдурахимова, Мавлуда Мирзақүзиева, Нилуфар Ҳамидова, М.Н.Усова, С.И.Мулько сингари малакали тарбиячилар боғча болаларига таълим

жиҳатдан етук, баркамол бўлиб шаклланишларида таълим-тарбия, қолаверса, илму хунарнинг ўз ўрни, кўлами булор.

Мирзо Улугбек туманидаги 547-болалар ясли-боғчасида таълим-тарбия, ёшларни меҳнатсевар, ватанпарвар, соғлом, баркамол авлод сифатида тарбиялаш борасидаги ишлар таҳсинга сазовордир.

Тажрибали педагог Рашида опа Даминова раҳбарлик қилиб келаётган бу боғчада 170 нафар бола таълим-тарбия олмақда.

Боғчага кириб боришингиз билан тоза ва озода, кўм-кўк боғ ва унинг ёнидаги шинамигина қилиб жиҳозланган ўйин ва

тарбия беришда ҳамда уларнинг соғлом, тетик ва чиниққан ҳолда ўсишларида ўз билим, тажриба ва меҳнатларини аямаётирлар.

Бу педагог-тарбиячилар болаларга жисмоний, ахлоқий ва меҳнат тарбиясини бериш билан бирга уларни табиат билан таништириш мақсадида Республика табиат музейи, Ботаника боғи, Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғига, ҳайвонот боғига олиб борадилар.

Боғчининг кичик гуруҳларида кўп йиллардан бери тарбиячи бўлиб ишлаб келаётган Барно Абдурахимова, Мавлуда Мирзақүзиева, Нилуфар Ҳамидовалар болажонларга миллий урф-одатларимиз, ўйинлар, эртақлар

ўргатишда, турли хил шакллар яшаш, расмлар чизишда, ранг танлашларида кўмаклашмоқдалар. Боғчининг тайёрлов гуруҳларида эса Дилором Казакбоева, Зухра Абдуллаева, Севара Сағдуллаева, Феруза Хикматуллаева, Малика Уразметова сингари тажрибали педагоглар муваққил юртимиз ҳақида, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи, Ғерби ва Маҳдуниси ҳамда кейинги 14 йил ичида республикамизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, шаҳримизда қад кўтарган бинолар, равон йўллар, кўприқлар, мўл-кўл бозорларимиз, хорижий мамлакатлар билан дўстлигимиз ҳамда у ерларда республикамиз ёшларининг таълим олаётганликлари ҳақида сўзлаб берадилар. Боғчининг мусика ўқитувчиси Нигора Мусахонова эса ёшларга ўзбек миллий ўйин, рақс, куй ва кўшиқларини ўргатади. Улар ўзлари ўрганган кўшиқ ва рақсларни боғчада ўтказиладиган кечаларда, эртақларда ижро этадилар.

Боғчада спорт шўъбалари мунтазам ишлаб турибди. Беҳзод Омонов раҳбарлик қилаётган жисмоний тарбия машғулотларида 6-7 яшар болалар миллий курашда фаол қатнашиб келмоқдалар. Шунингдек, болалар каратэ, волейбол, баскетбол ҳамда шахмат-шашка тўғрарак ва турнирларида ҳам қатнашиб, шаҳар ва туманлараро ўтказиладиган мусобақаларда муносиб ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Яқинда туман бўйича бўлиб ўтган тарбиячилар кўриги — мусика ўйинида боғча жамоаси II ўринни эгаллади.

Боғчада турли тадбирлар мунтазам равишда ўтказилиб турилади. Жумладан, миллий аъна-



налар асосида Наврўз байрами, Конституция кўни, Муштақиллик кўни ва бошқа байрамлар ва тарихий саналар ўтказилиб, бу ҳақда тайёрлов гуруҳи болаларига маълумотлар, тушунчалар бериб борилади. Боғчининг энг қобилиятли болалари эса тажрибали устозларидан инглиз тилини пухта ўрганмоқдалар. Оғир табиатли болалар, мураккаб шароитли оилалар билан етук педагог ва руҳшуносларнинг меҳнати самаралидир. Болалар саломатликлари, уларнинг соғлом ва бақувват ўсишларида шифокор ва ҳамширанинг хизмати каттадир. Педагог С.И.-Мулько болаларга тасвирий санъатдан сабоқ бериш билан бирга, халқ амалии санъатидан машғулотлар ўтказилади.

Боғчининг "Маърифат" хонасида турли китоблар билан бирга: "Мактабгача тарбия", "Соғлом авлод учун", "Халқ таълими" журналлари ҳамда "Халқ сўзи", "Маърифат", "Тошкент оқшоми", "Оила ва жамият", "Соғлом авлод" ва бошқа газета-тахламлари тартиб билан қўйилган ва жамоа улар билан мунтазам танишиб боради.

Хуллас, боғчада ҳар томонлама таълим-тарбия, хунар ўрганиб, соғлом, баркамол ўсатган болаларимиздан умидимиз катта.

**Рашид БОЙТУЛЛАЕВ  
СУРАТЛАРДА: 547-болалар ясли-боғчаси ҳаётидан лавҳалар**

**Таълим****ОЛИМПИАДА ГОЛИБЛАРИ  
АНИҚЛАНДИ**

Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатия университетиде олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 12 апрелдаги 80-сонли қарорига мувофиқ «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар» фанлари бўйича республика талабалар фан олимпиадасининг II-босқичи ўтказилди.

Унда Тошкент шаҳри ва Республика-миз вилоятларидаги олий ўқув юртиларида ўтказилган олимпиаданинг биринчи босқичда юқори ўринларни эгаллаган голиб 23 нафар талаба қатнашди.

Дастлаб олимпиада қатнашчилари ўз билимларини фан бўйича ёзма иш ёзиш, кейин эса компьютер тест синовлари орқали синаб кўрдилар. Ҳайъат аъзолари

талабалар томонидан ёзилган ҳар бир ишни текшириб, ўз фикрларини билдирдилар ва ёзма иш якуналари ҳамда тест синовлари натижалари бўйича голибларни аниқладилар. Республика талабалар фан Олимпиадасининг II-босқичида фахрли ўринларни қуйидагилар эгалладилар:

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг талабаси Зулфия Да-

видова биринчи ўрин, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг талабаси Элмурод Ҳасанов иккинчи ўрин, Ўзбекистон Миллий университетининг талабаси Нина Грановская учинчи ўринга муносиб деб топилдилар.

Республика талабалар фан олимпиадаси голибларини мукофотлаш маросимида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг проректори В.Ходжаев сўзга чиқиб голиблар ва олимпиада қатнашчиларига ўз табригини изҳор қилди ва эсдалик совғаларини топширди.

Олимпиадада вилоятлардан келган олий ўқув юртилари талабалари ҳам фаол иштирок этидилар. Олимпиада кунлари университетда маданий тадбирлар ташкил этилди.

**Нафиса ИГАМБЕРДИЕВА**

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Тошкент солиқ коллежи 2005 йил 11, 17, 24 июнь кунлари соат 15 дан 17 гача умумтаълим мактабларининг тўққизинчи синф битирувчиларини коллеж ҳаёти билан таништириш учун «очиқ эшиклар» кунларини ўтказилади.**

**Манзил: Тошкент ш., Учтепа (эски номи: А.Икромов) тумани, Кичик ҳалқа йўли (эски номи: С.Юсупов) кўчаси, 3-уй. Телефон: 75-54-82.**

**Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!**

**Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказиладиган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:**  
**133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.**

«BESH-YOGOCH-OSIYO» хусусий корхонаси тугатилади. Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 45-42-49 телефони орқали қабул қилинади.

**Спорт**  
**ХИЛЬКОНИНГ**  
**ОЛТИН**  
**МЕДАЛЛАРИ**

Трамплиннинг республикамизда омалашганига узок вақт ўтмаган бўлсада, бироқ саҳий заминимиздан етишиб чиққан кўплаб етакчи спортчилар халқаро майдонда ҳам юқори натижаларга эришадигани кишини қувонтиради.

Шаҳримиздаги Республика олимпия заҳиралари коллежидида бўлиб ўтган трамплин бўйича Ўзбекистон чемпионатида ҳам етакчи усталар маҳорат кўрсатишиб, голиблар сафини бошқаришди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи Екатерина Хилько бу гал ҳам иккита олтин нишоннинг соҳиби бўлди. У яқна тартибдаги сакраш баҳсларида барча рақиблирини ортда қолдирган бўлса, синхрон сакрашда Анна Савкина билан жуфтликда галаба қозонди.

Акробатика гиламчасида сакраш бўйича аёллар ўртасида М.Сотволдиева, эркаклар баҳсида эса Д.Дехоновга тенг келадиганлар топилмади. Эркаклар ўртасида синхрон сакраш бўйича В.Митин-Д.Содиқовлар Ўзбекистон чемпионолари бўлишди.

(Ўз муҳбиримиз)

**МУРОСАСИЗ**

**БЕЛЛАШУВЛАР**

Ўзбекистон Кубоги нимчорак финалининг дастлабки беллашувлари шиддатли курашларга бўй, мурасасиз кечди.

Ушбу баҳсларда муваффақиятли қатнашиб келаётган пойтахтимизнинг "Локомотив" жамоасига му сафар ҳам омад кулиб бокди. Ўз майдонларида биринчи лига вакили "Сурхон" жамоасини қабул қилган темирйўлчилар уюшқоқ ҳолда баҳамжиҳатлик билан тўп суришди. Майдонда тўп билан узок вақт муомала қилишда, тўпни бир-бирига аниқ узатишда, рақиб дарвозаси томон ҳавфли ҳужумлар уюштиришда меҳмонлардан яққол устунлик қилган тошкентлик чарм тўп усталари 90 дақиқа мобайнида "Сурхон" дарвозасига уч маротаба жаворобсиз гол йўллашди. Муҳлисларга қувончли онларни ҳада этган тўпларни дарвозага Идиатуллин (2та), Усмонхўжаев киритишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "НБУ-Осиё" — "Нефтчи" — 0:2, "Машал" — "Андижон" — 4:0, "Самарқанд-Динамо" — "Трактор" — 2:1, "Сўғдиёна" — "Навбахор" — 2:1, "Насаф" — "Қизилқум" — 3:1, "Шўртан" — "Бухоро" — 4:3

Ўзбекистон Кубоги нимчорак финалининг жавоб учрашувлари 4 июнь кунини бўлиб ўтади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Тошкент шаҳар ҳокимияти Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси маъмурияти Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Малика Зияевага ўғли

**Азизжон Илҳомович**  
**ЗОКИРОВНИНГ**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси кўмити раиси ўринбосари Шавкат Турғуновни Ирғашевнинг онаси

**Лола Хисомовна**  
**ЖУРАЕВНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор қилади.

**ЁШЛИК ВА ЖЎШҚИНЛИК**  
**БАЙРАМИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ**

Давоми. Боши 1-бетда.

Айниқса биринчи ўринни эгаллаган волейболчи ўсмирларимиз, теннисчиларимиз ва стол теннис усталаримиз, енгил атлетикачиларимиз, сузувчиларимиз, миллий курашимиз вакиллари, бадий гимнастикамиз вакиллари ушбу муваффақиятга ўзларининг салмоқли улушларини қўшишди.

Футболни спортнинг шоҳи деб атайдилар. Ушбу қизқарали ўйиннинг ўтказилган финал баҳсида пойтахт вилояти вакиллари 3:0 ҳисобида енган 8-чарм тўп усталаримиз ҳам шоҳсултаннинг энг юқори поғонасидан ўрин олишди.

Айниқса пойтахтлик спорт ўйинлари голибларидан теннисчи Сария Хайрова, бадий гимнастикадан Екатерина Бабинова, боксдан Зокир Ортиқов, Миракром Мирақбаров, Элдор Турсунов, стол теннисдан Иброҳим Холдоров ва Мадина Аюбоваларнинг маҳоратларига мутахассису муҳлислар тан беришди.

"Баркамол авлод" ўйинларида 2015 очко жамғариб умумжамоа ҳисобида

голибликни қўлга киритган Андижон вилояти спортчиларининг иштироклари эса ҳар қандай таҳсинга лойиқдир.

Бу гал майдон эгалари — Тошкент вилояти қатнашчиларига учинчи ўрин



насиб этди... Чирчқдаги олимпия заҳиралари коллежи стадионида "Баркамол авлод" ўйинларининг тантанали ёпилиш маро-

**Инсон соғлигининг энг ашаддий душманидан бири тамакидир.**

Тамаки чекишнинг зарари тўғрисида жуда кўп гапирилади, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар уюштирилади, газеталарда мақолалар чоп этилади, лекин баъриб-бу одат, бу иллат кўпайиб бормоқда. Чекишга ўрганишнинг энг асосий сабабларидан бири, унга қизиқишдир. Кўпгина ўспиринлар катталарга тақдид қиладилар. Узларини катта кўрсатмоқчи бўлиб чекадилар. Болаларнинг чекишга ўрганишга турли кинофильмларда, қаҳрамонларнинг тамакини мириқиб тортишлари ҳам сабаб бўлмоқда. Чекишнинг кенг тарқалишига яна баъзи одамларда чекиш оқимини иш қобилиятини оширади деган тушунча борлиги сабаб бўлмоқда. Одатда тамаки чекиш натижада мия қон томирлари бир оз кенгайди, шу туфайли чекувчиларда гўё қандайдир янги куч пай-

сады, ўқтин-ўқтин боши оғрийди. Тамаки сезги аъзоларининг ишини ҳам издан чиқаради, масалан, таъм билиш бузилади ва кўриш ёмонлашади, эшитиш пасасди. Шунингдек, томир тизими ҳам ёмон таъсир қилади. Чекканда юрак урилиш тезлашиб бир дақиқада 90-100 гача етади.

Никотин меъда ва ичакларнинг қисқаришига ёмон таъсир қилади. Натижада овқат ҳам бўлиши бузилади. Меъда-ичак бўлган яқши қискармаслиги ярим ҳазм бўлган овқатнинг туриб қолишига сабаб бўлади. Шунингдек никотин таъсирида ичаклар сиқилади ва лумканин сўрилиши бузилади, ичак деворларида қон айланishi ёмонлашади. Тамаки чекиш жиср ва ошқозон безига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Тамакининг айрим ички секреция безларига ёмон таъсир қилиши шубҳасиз исботланган. Тамаки айниқса жинсий без-

**31 май — Бутқажохон текшига қарши**

кураш кўни

**ТАМАКИ ЧЕКИШДАН ВОЗ**  
**КЕЧИНГ!**

до бўлгандек туюлади. Тамакининг бу хусусияти жуда қисқа бўлиб, бир неча дақиқалардан кейинроқ миянинг кенгайган қон томирлари кескин тораяди ва толиқиш ҳосил бўлади. Чарқоқни ёзиш учун яна чекиш заруритини сезилади ва кашаида чекишни давом эттиради.

Тамаки ёниши натижасида нафас йўлларига захарли таъсир этиши мумкин бўлган захарли кислоталар, 20 дан ортиқ алкоголлар, 27 хил алдегидлар, кетонлар, 80 хил рақни келтириб чиқариши мумкин бўлган бирикмалар ва радиоактив моддалар ҳосил бўлади. Тамакининг таркибида яна кўп миқдорда йиритқоқ зарралар ҳам бўлади, булар нафас йўлларини ва ўпкани жуда қаттиқ жароҳатлайди. Айниқса бронхит пайдо бўлади ва сурункали давом этади. Тамаки туғуни энг аввало нафас йўллари орқали ўпкага тушиб, унинг учун ҳам йўтал кашандалар ҳамроҳи ҳисобланади. Кашанда сурункали бронхит, эмфизема (ўпканинг кенгайиб кетиши, каби касалликларга мубтало бўлади. Бронхларни химоя қилиб турувчи ҳужайралар ўлади. Шу сабабли кашандалар чекмайдиганларга қараганда 10 мартадан кўпроқ нафас йўллари касалликлари билан оғрийдилар.

Узоқ муддат ва кўп чеккан кашандалар асабий, жиссаки бўлиб қолади, тез чарқайди, жаҳлдор бўлади, эслаш қобилияти па-

лар фаолиятини заҳарлайди. Аёлларда ҳайз цикли узайишга, бола ташлаш, туҳмдонлар фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади. Тамаки шунингдек, қалқонсимон без, буйрак усти безлари ишига салбий таъсир кўрсатади ва кўпгина аллергия касалликларини келтириб чиқариши мумкин. Чекиш натижасида бронхит, астма, мигрен, қивнек шиши, дерматитлар (ринит каби) келиб чиқади.

Тамаки чекиш буйрак усти безида гормонлар ишлаб чиқаришига ҳам таъсир қилади ва қон босимининг 20-25 фоиз кўтарилишига олиб келади, натижада юракка ортиқча юк тушади. У анча чарқайди, натижада тана аъзоларининг қон билан таъминланиши издан чиқади. Туғун билан тушадиган углероднинг оксидланиши натижасида қонда карбоксигемоглобин миқдори кўпаяди.

Шунингдек, узок вақт чекиш атеросклероз касаллигига ҳам сабаб бўлади.

Ҳа, заҳарли одатлар фақат соғлиққа ва иш қобилиятига зарар етказиб қолмай, оила бюджетига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун биз ҳаммаши турли касалликларнинг келиб чиқишига ва бевақт ўлимга сабабчи бўладиган тамаки чекишдан воз кенчишга чакирамиз.

**Дилдора МИРБОБОВА,**  
**Республика Саломатлик институ-**  
**тининг Тошкент шаҳар филиали ди-**  
**ректори**

сими бўлиб ўтди.

Мусобақаларнинг энг нуфузли мукофоти — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов имзо чеккан, "Баркамол авлод" ўйинлари иштирокчиларига йўланган табрикнинг асл нусхаси Андижон вилояти терма жамоасига топширилади.

Умумжамоа ҳисобида 1,2 ва 3-ўринларни эгаллаган ҳар бир жамоа давлатимиз раҳбарининг мусобақа голиблари учун таъсис этган соғбаси — "Дамас" автомобиллари билан тақдирланди.

"Баркамол авлод" спорт ўйинларининг байроғи туширилган, Тошкент вилояти терма жамоаси уни келгусида шундай мусобақаларга меъзоблик қиладиган Қорақалпоғистон Республикаси вакилларига топширди.

Еш спортчилар, санъат оламига эндигина кириб келаётган болажонлар ҳамда Ўзбекистон санъат усталарининг чиқишлари тадбирга ўзгача файзушуқуҳ бахш этди.

"Баркамол авлод" спорт ўйинларининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**  
**СУРАТЛАРДА: "Баркамол авлод-2005" спорт ўйинларининг иштирокчилари.**

Даврон Аҳмедов олган суратлар.

*Мунажжим башорати*

**ДУНЁҚАРАШЛАРИМИЗ**  
**ОМАДИМИЗНИ БЕЛГИЛАЙДИ**

1 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

Ички туйғуларингизга кулоқ тутинг, фақат мушоҳадларингизни идора қила билсангиз бас. Уран, Кўёш ва Ой сайёраларининг ўзаро акс таъсирлари ҳар бир инсоннинг шахсий дунёқарашини, нуқтаи назарига мутаносиб равишда жамият ҳаётининг турли соҳаларида инкиरोзли вазиятларнинг тўғатдан тўғати қилишига сабаб бўлади.

Ҳазо жисмларининг бундай ҳолати яна юрак-қон томир тизими ҳасталикларидан оғохлантиради, саноят ва транспортда бахтсиз ҳодисалар юз бериши эҳтимолдан хабардор қилади. Шунинг учун ҳам имкон қадар хушёр бўлиш, ҳавфсизлик қондаларига қатъий амал қилиш талаб этилади.

Юқоридагилар хусусида хикоя қиларкан, мунажжимлар бахтимизга бугунги кун, шунингдек, атроф олам билан уйғунлик, осоийшталик, ҳузур-ҳаловат билан боғлиқ эканини ҳам таъкидлашди. Уни уйда, фарзандлар ва яқинларининг даврасида ўтказиш мароқли бўлади. Болалар учун ўзига хос бир байрам уюштириб берсангиз — уларнинг кўнглини оласиз.

Умуман, бугун салбий эҳтиросларга эрк бермаслик, жаҳл отига минишдан тийилиш, ҳасад ва тушкунлик қайфиятидан сақланиш ҳамда оққунгил ва раҳмдил, меҳрибон бўлиш тавсия этилади. Одамларга соғвалар улашинг, садақа қилинг, муҳтожларга ёрдам беринг — бошқалар учун қайғуриб, қалбингиз ва жисмингизни покласиз.

Ховлингизда гулларнинг очилиши хонадонингиз учун хайрли бўлади. Бу — сизга кўмаклашувчи ҳомий кучлар мавжудлигини билдиради. Кўшлар сайраси остида уйғониш ҳам бугун яқшилик аломати ҳисобланади. Қўш патининг устингизга тушиши — келажакда катта хурсандчилик ва омад элчиси бўлади. Майда пуллар, буюм ва бошқа нарсаларингизни йўқотишингиз эса, кераксиз муаммолардан халос бўлишингиз ва покланшингизга ишоради. Бировлар тушириб қолдирган нарсаларни ола кўрсанг — бировлар ташвишини елкангизга ортоқлаган бўласиз.

Кўёш кўтарилганидан сўнг қўрилган ёрқин ва аниқ-тиниқ тушлар ўнгиндан келади. Қўрган тушларингиз қанчалик аниқ бўлса — шунчалик тез ўнгингизда содир бўлади.

Кулоқ, томоқ ва қалқонсимон без каби аъзоларингизни эҳтиёт қилинг. Суоқлигини кўп ичманг, дағал ва ҳазми оғир таомларни истеъмол қилишдан ўзингизни тийинг.

Кийимлардан оқ, сариқ ва юлғун ранглилари сизга омад келтириши мумкин. Жигаранг, қора ва кўк рангли либосларни бугунча киймаганингиз маъқул.

**ЧОРШАНБАДА:**

- иходий, ишлаб чиқариш билан боғлиқ ва бошқа муаммоларни ҳал этиш;
- хизмат сариғига йўл олиш ёки экзотик саёҳатни ташкил этиш;
- ўзингизни аяб, кўпроқ дам олиб, яқшилаб уйқуга тўйиб олиш;
- фақат оддий вазифаларингизга бажаришни қўзлаш;
- қийин вазиятларда ёрдам сўраб дўстларга мурожаат қилиш;
- парҳез ва овқатланиш режимига қатъий риоя этиш тавсия этилади.

Мухим ишларни бошлашдан, қўл устингиздаги кишилар ва ҳамкасблар билан яқиндан мулоқот қилишдан, томоқ, кулоқ ва кўкракдаги оғриқларга бепарво бўлишдан ўзингизни асранг.

**Муассис:**  
**Тошкент шаҳар**  
**ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**

Манзиллари: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39  
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усунди босилади.  
3868 нусхаъ босилди. Қўғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сенанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.  
Нашр кўрсатқичи — 563

Нашрият етказиб бериш масалалари бўйича турар  
ҳойлардаги почта бўғимларида ёки «Тошкент  
почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат  
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси.  
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.